Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 18-iyun, №27 (584)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ



Нима бўлганда ҳам, инсонда сўзга маҳлиёлик касали бор. Албатта, у дилнинг, кўнгилнинг калити ва ойнаси бўлган, энди кўпроқ унинг қопқоғи. Чунки у билан инсон кўнглидаги нарсаларни яширишга, бўяб-бежаб кўрсатишга ҳаракат қилишади.

➪ 4-бет

СЎНМАС ҚУЁШ

— Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биламан. Шуни ҳам тушуниб етиш керакки, инсон — табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак.



➪ 6-бет

ЭЛЕКТРОН БИЛЕТ — ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

Электрон билет, бир сўз билан айтганда, йўловчиларнинг вақтини тежайди. Бунинг устига электрон ҳолда авиакомпаниянинг маълумотлар базасида сақлангани сабабли уни унутиш, йўқотиш ёки ўғирлатиб қўйиш мумкин эмас.



➪ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **13 июнь куни Олий Мажлис Сенати кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.**

■ Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари, илмий анжуманлар ўтказилмоқда.
Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суд ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

■ **Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида "Марказий Осиё хавфсизлиги ва Афғонистондаги барқарорлик омиллари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия расмий ва эксперт доиралари вакиллари, жамоат арбоблари, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.**

■ Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда LG Electronics (Жанубий Корея) компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда қатор йиллардан буён талабалар ўртасида "LG Grant" кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.
Яқинда бўлиб ўтган тадбирда танловнинг бу йилги ғолиб ва совриндорлари махсус диплом ва тегишли миқдордаги грант билан тақдирланди. Грант маблағлари талабаларнинг таълим контрактини тўлашга йўналтирилади.



Суратда: «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётидан лавҳа.

■ ТАЪТИЛ

Ажиб сурур, сирли тароват

Юртимизда жазирама ёз ифорисини кезаётган айни паллада сўлим ва хушманзара оромгоҳларда мириқиб дам олаётган болажонларнинг қувончу шодликларини қалбан ҳис этиш кўнгилларда ажиб сурур уйғотади.

Мана шундай ажиб тароватни Тошкент шаҳридаги «Давлат Унитар сувсоз» корхонасига қарашли «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳига ташриф буюрганимизда, сўлим табиат қучоғида оромгоҳнинг очилиш маросимига қизғин тайёргарлик кўраётган тарбиячи-етакчиларнинг, болажонларнинг завқ-шавқида кўрдик.

Оромгоҳнинг энг фаол иштирокчиларидан — Учтепа туманидаги 107-мактаб ўқувчиси Шодиева Мафтунанинг Она-юрт мадҳига йўғрилган шеър, қўшиқлари кайфиятимизни кўтарган бўлса, Юнусобод туманидаги 58-мактаб ўқувчиси, ёш шахматчи Сафиулина Элвинанинг ақл-заковати қалбимизда чуқур из қолдирди.

— «Зилола» оромгоҳи болажонларнинг 60 йилдан буён ўз бағрига олади. Болаларнинг мароқли дам олишлари учун 8 та етакчи, 8 та тарбиячи яна қўшимча тарбиячилар, жами 72 нафар ходим хизмат қилишмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Зулайхо опа Эргашева. — Оромгоҳимизнинг биринчи навбатида 260 нафар болаларни қабул қилдик. Уларнинг жисмонан чиниқишлари учун футбол, волейбол майдончалари, 375 кубометр сиғимида чўмилиш сув ҳавзаси, адабий-бадиий нашрларга бой кутубхона мавжуд. Бундан ташқари, болалар 15 кун мобайнида «Ўзбекистон — Ватаним маним» миллий дастурларини, «Робинзон сўқмоқлари» ҳарбий-спорт ўйинларини ўзлари ташкил этишади. «Камолот» ва «Камалак» кунларида республикамиздаги санъат музейларида, театрларда экскурсия ташкил этишни режалаштирганмиз.

Оромгоҳдан кўтаринки кайфиятда қайтарканмиз, ёшлик бегубор фасл, деганда шоир нечоғли ҳақ эканлигини яна бир бор дилдан ўтказдик. Буни биз бу масканда дам олаётган болажонларнинг қувонч балққан юз-кўзларидан ҳам илғашимиз қийин эмасди.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

■ ШУ РОСТМИ?

Абитуриент-2008: яна тест синовлари ҳақида

Бу йил олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тўртта фандан бўлиб ўтиши, яъни тест синовларига барча мутахассисликлар бўйича математика фани киритилгани расман эълон қилинганди. Лекин кейинги пайтларда тартиб ўзгаришсиз қолдирилгани, тест синовлари аввалги йиллардагидек учта фандан ўтказилиши ҳақида эшитдим.

Яна тарих фанидан тузиладиган тест саволлари фақат "Ўзбекистон тарихи" фанидан бўлар экан. Шу ростми?

Нурбек АБРАЕВ
Шаҳрисабз тумани.

Таҳририятимизга келган мактублардаги шунга ўхшаш саволларга аниқлик киритиш мақсадида республика Давлат тест марказига мурожаат қилиб, марказ директори Б.Исмоилов имзоси билан қуйидагича жавоб олдик:

Республика олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишларига талабаларни қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган таҳлиллар ва аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, 2008/2009 ўқув йилида тест синовларини ўтказиш тартиби ҳамда фанлар бўйича тўғри жавобларни баҳолаш мезонлари ўзгаришсиз қолдирилди.

Шунингдек, фанлар мажмуаси олдинги йиллардагидек уч (3)та фандан иборат бўлиб, тест синовлари бир кунда, яъни 1 августда ўтказилади.

Фанлар мажмуасида "Тарих" фани мавжуд бўлган таълим йўналишлари бўйича тест саволлари олдинги йиллардаги каби умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларининг "Жаҳон тарихи" ҳамда "Ўзбекистон тарихи" фанлари асосида тузилади.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

■ ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Таъмагирликка қарши... порахўрликми?

2007 йилнинг август ойи охирида Денов туманида хабар тарқалди: «Прокурор ёрдамчиси қамалибди». Биров бунга ишонди, бошқаси ҳайрону лол бўлиб қолди, айримлар эса бошини маънодор чайқаб қўйди... Лекин кўпчиликда бир хил савол туғилгани табиий: «Нима иш қилган экан?» У вақтда бу саволга Э.Худойшукуровни порахўрлик жинояти устида қўлга олган Миллий хавфсизлик хизмати Сурхондарё вилоят бошқармасининг масъул ходимларигина жавоб бериши мумкин эди. Бу воқеага сабаб бўлган жиноятнинг жамики тафсилотлари эса Сурхондарё вилоят судининг кейинроқ бўлиб ўтган очиқ мажлисида ошкор бўлди.

Бу воқеаларнинг бошланиши 2007 йилнинг 11 август куни Денов шаҳрининг Ш.Рашидов кўчасида юз берган йўл-транспорт ҳодисасига (ЙТҲ) бориб тақалади. Шу куни фуқаро Фарҳод Бойназаров ўзининг бошқарувидаги «ГАЗ-52» русумли ёнилғи ташувчи автомашинада 16 ёшли бир йигитчани уриб юборади. Серқатнов йўлни кесиб ўтишга шошилган йигитча оғир тан жароҳати олгани оқибатида ўша куни вафот этади. Табиийки, бир фуқаронинг ўлимига сабаб бўлган ЙТҲ тафсилотларини ўрганиш мақсадида Денов туман ИИБ томонидан суриштирув тадбирлари олиб борилган. Мазкур иш тафсилотларини ўрганиб чиққан ИИБ терговчиси К.Хидиров 20 август куни ҳайдовчи Ф. Бойназаровга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

Ўринли савол туғилади: «Хўш, бу ишларга Денов туман прокурори ёрдамчиси Эшбўри Худойшукуровнинг нима алоқаси бор?» Гап шундаки, хизмат вазифасига кўра прокурор ёрдамчиси ИИБ терговчиси чиқарган қарорнинг қонуний, асосли эканлигини текшириб, тегишли хулоса тузиб берувчи мансабдор шахс бўлиб, ана шундан кейингина қарор кучга кирарди. Бу тартиб — тергов-суриштирув жараёнининг кўпчиликка маълум бўлган расмий томони. Аммо ўша кунлари йўл фалокатига боғлиқ баъзи бошқа ишлар ҳам юз берган эдики, уларнинг тафсилоти бўйича ҳужжатлар ИИБ томонидан ЙТҲ бўйича очилган ишжилдга эмас, балки кейинроқ Э.Худойшукуровга нисбатан қўзғатилган жиноят ишига тикилиб, суд жараёнида ошкор этилди.

2»

■ ДУНЁ СИЁСАТИ



Обама масъулиятга чақирди

Демократлардан АҚШ президентлигига даъвогар Барак Обама америкалик эркакларни оталик бурчига масъулиятли бўлишга чақирди, деб хабар беради The New York Times газетаси. Нутқ АҚШда ҳар йили июннинг учинчи якшанбасида нишонланадиган оталар байрамига бағишланган. Намойишга 20 минг одам йиғилган бўлса, уларнинг кўпчилиги афро-америкаликлар эди.

Айни кунларда АҚШдаги қора танли болаларнинг ярми оилада отасиз ёки онасиз улғайишяпти. Шунингдек, Обаманинг ўзи ҳам отасиз ўсганини айтиб ўтди. У бундан аввалроқ ота-оналарни фарзандларининг овқатланишига катта этибор беришга чорлаган эди. 14 июнь жума куни эса Барак Обама оилада болаларга бўладиган зўравонликнинг олдини олиш ва уларнинг имтиёзларини ошириш борасида Индиана сенатори Эван Бэй билан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни мўлжаллаётганини эълон қилди.

Барак Обама 2005 йили АҚШ тарихидаги илк қоратанли сенатор бўлган эди. Агар у сайловда ютиб чиқса, Қўшма штатлар тарихидаги биринчи қоратанли президент ҳам бўлади.

5»

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" танловига таклиф этади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат асарлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2008 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61; 244-57-24; 244-11-64;

Бугуннинг нафаси

■ Фарғона шаҳрида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши аъзолари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар тадбиркорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, белгиланган имтиёзлардан тўғри фойдаланиш зарурлиги хусусида тўхталди. Мулоқотда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.
Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими М.Гофуров иштирок этди.

■ Гулистон шаҳридаги ипкалава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sarrina textiles» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида, замонавий хориж технологиялари ўрнатилгач, трикотаж мато ва 40 турда болалар ва катталар учун спорт кийимлари тикиш йўлга қўйилди.

■ Наманган шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Марказ директорининг ўринбосари Баҳром Содиқовнинг айтишича, Ёшлар йилида меҳнат ярмаркалари орқали 150 дан зиёд йигит-қиз ишли бўлди.

■ "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ZiyoNET жамоат таълим ахборот тармоғи ва унинг Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузуридаги бўлимлари томонидан "Сайёра" интернет марафони ташкил этилди.
Интернет марафоннинг ғолиб ва совриндорлари пойтахтимизда шу йил кузда ўтадиган "Ахборот-коммуникация технологиялари-2008" ҳафталиги кунлари эълон қилинади.

■ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ёш геологлар олимпиадасининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди. Ўн тўрт ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган мазкур олимпиадада юқори натижаларга эришган ўн бир нафар ғолиб диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди

■ Тошкентда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари томонидан иқтисодиёт тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш истиқболига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳаси, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

■ Жорий йилда 105 минг гектардан ортиқ майдонда ғалла парваришлаган фарғоналик миришкорлар ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан давом эттирмоқда.
Бувайда, Олтиариқ, Бешариқ, Фурқат, Учқўприк, Ёзёвон туманларида бу борада ишлар самарали йўлга қўйилган. Мавсумда "Вилоят МТПлар бирлашмаси"нинг 400 дан ортиқ комбайнларидан фойдаланилмоқда.

Шоира МАҲМУДОВА тайёрлади.

Таъмагирликка қарши... порахўрликми?

(Бошланиши 1-бетда.)

ЙТҲ содир этилгандан кейин ҳайдовчи йигитнинг отаси Ғайрат Бойназаров эски таниши бўлган прокурор ёрдамчиси Э.Худойшукуров билан учрашиб, ўғлини қамоқдан олиб қолишда ундан ёрдам сўраган эди. Шунда Э.Худойшукуров унга агар 4 минг АҚШ доллари бермаса, ўғли 5 йилдан 8 йилгача қамалиб кетишини айтган. Ҳолбуки, худди шу кунлари юз берган ЙТҲ тегишли мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, автотехник экспертиза хулосаси чиқарилган эди. Унга кўра, Ф.Бойназаров ўзи бошқариб бораётган автомашинани тўхтатиб қолиш, демакки, тўсатдан йўлга чиқиб қолган пиёда йигитчани уриб юбормаслик учун чора кўриш имкониятига эга бўлмаган. Қолаверса, жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақида қарор чиқарилаётганда бир қатор бошқа ҳолатлар ҳам ҳисобга олинган. Жумладан, ҳайдовчининг марҳум оиласига моддий ёрдам кўрсатгани, йигитчанинг ота-онаси «даъвойимиз йўқ» деб ариза ёзиб беришгани ҳам ана шулар жумласидан. Булардан ташқари, ҳукуматимизнинг эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятларга нисбатан жазо чораларини инсонпарварлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда либераллаштириш ҳақида қарорлари ҳам инобатга олинган эди.

Туман прокуратурасидаги масъул лавозимда ишлаб келаётган Э.Худойшукуров буларни билмаслиги мумкин эмасди. Лекин у кўра-била туриб, хизмат бурчига хиёнат қилиш эвазига бўлса ҳамки, шахсий манфаатини кўзлади. Қаранг, фалокат туфайли ҳатто фарзандидан айрилиб қолган ота-она ҳам одамийлик қилиб, ҳайдовчи билан «сен-мен»га бормай турган бир пайтда прокурор ёрдамчиси Э.Худойшукуров ғаразгўйликка ўтди.

Ҳайдовчининг отаси Ғ.Бойназаровни бир неча марталаб прокуратурага чақиртириб, ИИБ терговчиси ҳавдовчини айбдор қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш эвазига пул сўрайверди. Аввалбошда 4 минг АҚШ доллари талаб қилган бўлса, кейинроқ 2 минг АҚШ доллари олишга ҳам рози бўлган. Яқиндагина тўй ўтказиб, анча сарф-харажат қилган Бойназаровлар оиласи бу пулни топиб беролмаслиги аниқ-равшан эди. Қолаверса, экспертиза хулосаси ҳайдовчининг айби йўқлигини кўрсатиб турган бир вақтда прокурор ёрдамчисининг ноқонуний талаби, бир сўз билан айтганда, виждонсизликдан ўзга нарса эмасди. Шуларни мушоҳада қилиб, қони қайнаган Ғ.Бойназаров прокурор ёрдамчиси билан айтишиб қолади ва бунақа катта пули йўқлиги, ўғлини қамаб юбораверишги мумкинлигини айтиб, чиқиб кетади. Шундан кейин Худойшукуров унга қўнғироқ қилмай қўяди. Буни Ғ.Бойназаров уни инсофга келганига йўйиб, кўнгли бироз тинчланади. Лекин Э.Абдушукуров деганлари шундоққина олдига келиб қолган ўлжадан осонгина воз кечадиганлардан эмасди.

Отасининг прокурор ёрдамчиси билан айтишиб қолганидан хабар топган ҳайдовчининг укаси Нурзод Бойназаров бу зиддият чуқурлашиб кетишидан хавотирда эди. Шу сабабли ҳам у «Отам ҳам, акам ҳам билмасин, айтган пулингизни ўзим олиб келиб бераман», деб порахўр амалдор таъқибига ўзини рўпара қилди. Прокурор ёрдамчиси энди Н.Бойназаровни қийин-қистовга ола бошлади. Тез-тез «Ишлар нима бўляпти, қачон келасан», деб қўнғироқ қилиб, ҳол-жонига қўймади. Бу орада «адолат посбони»нинг мазкур ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида Н.Бойназаровдан МХХ Сурхондарё вилояти бошқармасига ариза келиб тушган, бошқарма ходимлари таъмагир амалдорни жиноят устида қўлга олиш бўйича тезкор тадбирларни амалга ошира бошлаган эдилар. Шу аснода хизмат ваколатини суиистеъмол қилиб, ҳаддидан ошган Денов туман прокурорининг ёрдамчиси Эшбўри Худойшукуров 2007 йилнинг 29 август куни хизмат хонасида 1000 АҚШ доллари миқдорида пора олган вақтида МХХ бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ҳайъати Э.Худойшукуровга нисбатан юритилган жиноят иши материалларини очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Судланувчининг айби жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилий ашёлар ёрдамида тўла-тўкис ўз исботини топди. Суд Э.Худойшукуровни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисмининг «б» бандида кўрсатилган «Масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш» жиноятини содир этганликда айбдор деб топди ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Республика Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Э.Худойшукуровга тайинланган жазо муддати учдан бирга қисқартирилди.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, суд мажлисида Э.Худойшукуров содир этган жиноятидан бўйин товлаб, уни ҳар хил баҳоналар билан хаспўшлашга ҳам уринди. Гўёки, ҳайдовчининг отаси Ғ.Бойназаров унинг қайнонаси Раҳима Мўминовадан аввалроқ 1000 АҚШ доллари қарз олган бўлиб, бермай юрган экан. Шунга кўра, Худойшукуров бу пулни қайнонасига қайтариб бериш мақсадида қарздорнинг ўғли Н.Бойназаровдан олган эмиш. Лекин бу ёлғон узоққа бормай фош этилди. Судда иштирок этган Ғайрат ва Нурзод Бойназаровларнинг кўрсатма беришича, улар ҳеч қачон Э.Худойшукуров ва унинг қариндошларидан пул қарз олишмаган. Қолаверса, улар ёки бошқа биров прокурор ёрдамчисининг қайнонасидан қарз олиб, бермай юрган бўлса (бунга ишониш қийинлигини ҳамма билади), бу «қарз муаммоси» нима сабабдан гувоҳлар иштирокида, пулни қарз берган қайнонанинг ўзига қайтариш йўли билан эмас, балки туман прокуратурасининг хизмат хонасида, устига-устак, гувоҳларсиз хуфиёна тарзда «ҳал этилади»?

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексига кўра, порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказиш ваколати прокуратура идораларига берилган. Э.Худойшукуров ҳам терговчи бўлиб ишлаб юрган вақтларида ана шундай жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини олиб борган бўлиши, бу борада муайян тажрибага эга бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, айтайлик, пора олиш жиноятини содир этиб, тергов қилинаётган бирор шахс бақрайиб туриб, терговчи Э.Худойшукуровга худди шундай «эртак»ни айтиб берса унинг ўзи бунга ишонган бўлармиди?..

Хуллас, судланувчи ва унинг турмуш ўртоғи қанча важ-карсон келтирса ҳам уларнинг бирортаси ишонарли чиқмади. Негаки, ҳар қанча баҳонаю сабаб келтирилгани билан порахўрликдек оғир жиноятни асло оқлаб бўлмайди. Жиноятга эса жазо муқаррар. Буни ҳеч ким билмаганда ҳам яқин-яқинларгача виқор билан ўзини ҳуқуқ-тартибот посбони санаб юрган Эшбўри Худойшукуров яхши билади.

Алишер ИСЛОМБЕКОВ



Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга каратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

- танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим;

- тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак;

- фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади;

- ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танлов 2008 йилнинг 10 декабрида якунланади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:
1-ўрин (1 та)
2-ўрин (2 та)
3-ўрин (3 та)
Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона, тел./факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

■ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда марказ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Фойдали мулоқот

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика суд экспертиза маркази бошлиғи С.Отахўжаев очди.

Семинарда "Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда республика ОАВларининг ўрни", "Республика суд экспертиза маркази фаолиятини телевидение ва радио орқали ёритиш йўллари" мавзулари юзасидан тажрибали экспертларнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2007 йил ва 2008 йилнинг ўтган даврида Республика суд экспертиза маркази томонидан бор-йўғи 58 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилгани, тайёрланадиган материалларнинг ҳаммаси ҳам мазмун ва сифат нуқтаи назаридан етарли даражада мукаммал эмаслиги, шунингдек, газета ва журналларга берилаётган мақолаларда чуқур таҳлил етишмаслиги тилга олинди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, марказнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини яхшироқ йўлга қўйиш, муассаса ҳаёти билан боғлиқ материалларнинг мазмундорлигини янада ошириш юзасидан мутахассисларнинг кўрсатма ва тавсиялари берилди.

— Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган адлия тизими, суд экспертизаси, унинг моҳияти, мақсадлари ва ҳозирги ҳолатига оид материалларнинг сифати қониқарсиз аҳволда, уларни яхшилаш лозим, — деди тадбирда сўз олган Адлия вазирлигининг ахборот хизмати масъул ходими Тўрабек Тўраев. — Чунки ҳуқуқий ислоҳотлар мақсади аввало инсон ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шунингдек, тизимда ахборот хизматини такомиллаштириш, ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш олдимизда турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади.

Семинар сўнгида адлия ходимлари ва журналистлар ўртасида **"Энг яхши телелавҳа"**, **"Энг яхши мақола"**, **"Энг яхши радиоэшиттириш"** ва **"Энг яхши интернет материали"** учун танлов эълон қилинди.

Тадбир баҳс-мунозараларга, фойдали фикр-мулоҳазаларга бой руҳда кечди.

Иномжон АБДИЕВ

■ САМАРАЛИ УСУЛ

Суспензия сирлари

Хоразм вилоятида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ, иқлим ва сув шароитига мос келадиган, серҳосил, эртапишар ғўза навларини яратиш, экинларни турли зараркунанда ҳашаротлардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш борасида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Ғўза ва ғалланинг турли зараркунандалар ҳамда касалликлар билан зарарланишининг олдини олиш мақсадида вилоят бўйича 120 та "Биолаборатория" масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатмоқда. Хива ва Шовот туманларида шу каби янги муассасалар ташкил этилиб, Гурлан, Қўшкўпир ва Урганч туманларидаги биолабораторияларнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Мутахассисларнинг айтишича, бу йил қишлоқ хўжалиги экинларини турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун 776 килограмм трихограмма, 181 миллион донадан зиёд бракон, 181 миллион дона олтинкўз биомаҳсулотлари ишлаб чиқарилиши мўлжалланган.

Экинларни суспензия эритмаси билан ишлов бериш ҳосилдорликни ошириш билан бирга зараркунандалар ва касалликлар билан зарарланишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу усул ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда самарали натижа бермоқда. Бу йил 100 минг гектар ердаги ғўзага суспензия билан ишлов бериш бўйича "Қишлоқхўжаликкимё" вилоят ҳудудий акциядорлик жамияти, унинг туманлардаги филиаллари кўпгина ишларни амалга оширишни режалаштирган. Даставвал мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида вилоят миқёсида суспензия штаблари ташкил этилди. Туманларда 57 та эритма тайёрлаш майдончалари вужудга келтирилди. Уларга 54 та отряд аъзолари бириктирилди. Суспензия билан ишлов бериш тадбирларини ўтказиш жараёнида жойларда кўргазмали семинар-кенгашлар ташкил этилиб, унинг аҳамияти тўғрисида фермер хўжаликлари раҳбарлари, масъул ходимлар ва деҳқонларга зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Суспензиянинг самараси тўғрисида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлдик, — дейди Гурлан туманидаги "Ҳайтимат ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Гулмат Ҳайтметов биз билан мулоқотда. — Бу экинлар ҳосилдорлигини ошириш, турли зараркунандаларга қарши курашда энг самарали усуллардан бири экан. Ўсимлик учун зарарсиз кимёвий эритма билан озиқлантирилган ғўза ниҳоллари касалликларга чидамли, демакки, ҳосилдорлиги яхши бўлади.

Трипс тушганда ғўзанинг ривожланиши 15 кунга кечикади, биринчи ярусдаги учта кўсаги йўқ бўлиб кетади. Бу ҳар гектардан 8 центнергача пахта ҳосилини бой бериш демакдир. Таъкидлаш керак, суспензия усулида озиқлантириб борилган майдонларда ғўзанинг чимбарг чиқариши 2-3 кунга тезлашади, ниҳолга трипс тушишининг олди олинади.

Шунингдек, ғўза ниҳолларига суспензия эритмаси билан ишлов бериш тадбирларини юқори сифатда ўтказиш учун вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти томонидан 248 та трактор, 97 та тиркама ва бошқа механизация воситалари жалб қилинган.

— Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида экин майдонларига суспензия билан ишлов бериш катта самара беради. Мутахассислар маслаҳати ва тавсиялари асосида суспензия тайёрлаш учун азотли, фосфорли, калийли ўғитлардан фойдаланиляпти, — дейди "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти раиси Қаландар Рўзматов. — Шунингдек, олтингугуртнинг оҳакли қайнамаси суюқлигини тайёрлаш ва қўллашга катта эътибор беряпмиз.

— Туманимиз бўйича 12250 гектар майдондаги ғўза ниҳолларига суспензия билан ишлов бериш босқичма-босқич ўтказиляпти, — дея суҳбатга қўшилди "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти Гурлан тумани филиали мудири Илҳом Машарипов. — Бу тадбирнинг юқори савияда ўтказилиши учун мавжуд еттита шохобчада кечаю кундуз ишлар ташкил этилган.

Айни кунларда ишлов берилган майдонлардаги ғўза ниҳоллари кун сайин яшнамоқда. Бу — келгуси мўл ҳосилдан нишонадир.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ, "Ҳуррият" мухбири. ®

ЖАРАЁН

2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

Ижтимоий ҳимоя тизимидаги муҳим босқич

Бу — келажагимиз эгаларини касб-ҳунарли этиб вояга етказишдан ҳам иборат

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, фан, таълим, спорт, маданият соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Шунингдек, ёшлар сиёсати борасида қилинган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йиллар давомида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш каби хайрли чора-тадбирларнинг ҳаётга жорий этилганлигига гувоҳ бўламиз. Келажак учун баркамол салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир. Қонун ва дастур талабларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланди ва мантиқий уйғунликда босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга касб ўргатиш ижтимоий ҳимоя тизимидаги муҳим босқич бўлиб, бу борада ҳам амалий чора-тадбирлар концепцияси ишлаб чиқилиб, сезиларли ишлар қилинмоқда. Масалан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Ёшлар ижитимоий хизматлари" марказларининг фаолият олиб бориши йўлга қўйилди. Бундан ташқари 2007 йилда Ҳаракат томонидан мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари талабаларидан иборат "Бунёдкор" меҳнат отрядлари тузилди. Улар таътил даврида ташкилотларда, тегишли объектларда бўлиб, ўзларига бириктирилган ишни бажаришди. Ушбу ташаббуснинг аҳамиятли томони шундаки, бунда ҳар бир талаба ўзларини шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис қилишди. Шунингдек, олий таълим муассасалари доирасида ўтказиб келинаётган "LG" грант лойиҳаларининг ҳам ўрни беқиёс. Таъкидлаш керак, лойиҳанинг асосий мақсади ёшларнинг мукаммал билим олишлари ва келажагини қура олишига кўмаклашишдан иборат.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керак бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш натижасида "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими" деб номланган ноёб тизим вужудга келди ва шаклланди. Айни пайтга қадар касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун 600 мингдан зиёд ёш кадр тайёрланди. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозим, умумтаълим мактабларини битираётган ёшларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тизимнинг аҳамиятли томони шундаки, бунда ўқувчи ёшларнинг таълим олиши давлат томонидан мажбурий - ихтиёрий равишда кафолатланади. Яъни, ўқувчи ўзи танлаган касб-ҳунари ҳақида ўрта махсус таълимини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса ёшлар сиёсати борасида ижтимоий ҳимоя тизими кенг йўлга қўйилганлигининг далилидир.

Шу билан бирга Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган умумтаълим мактабларининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг моҳияти ҳам ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Таълимнинг нафақат ташкилий-моддий асоси балки унинг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди.

Шу ўринда қуйидаги муқоясани келтириб ўтиш ўринли: илгари вилоятларда педагогика олий ўқув юртларидан ташқари олий ўқув юртлари йўқ эди. Ҳозирда республикамиздаги мавжуд 65 та олий ўқув юртининг 32 таси бевосита жойларда фаолият кўрсатмоқда. Яъни олий таълим бевосита вилоятлар, шаҳар ва туманларимизга кўчиб борди. Бундан ташқари, давр талабига жавоб берадиган, жаҳон андозаларига мос янги олий таълим муассасалари барпо этилди.

Албатта, бундай хайрли юмушларнинг негизида келажак авлоднинг маънавий олами, дунёқарашини бойитишдек масъулиятли вазифа ётибди. Шундай экан, бу каби хайрли ишларни ҳар биримиз ўзимизнинг фуқаролик бурчимиз деб билсак, уни ҳаётга татбиқ этсак, кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

Илҳом АБРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

Акциядорлик-тижорат

«ПАХТА БАНК»

мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча аҳоли учун ўзининг йиллик фоиз ставкаси 30 фоизгача бўлган

миллий валютадаги

"Таътил",
"Яхши ният",
"Эгасининг номи кўрсатилмаган",
"Умид ниҳоллари"

омонат турларини таклиф этади.

ШУ БИЛАН БИРГА

чет эл валютасидаги

янги **"Юлдуз"** омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонатларга пул маблағлари 12 ойгача муддатга қабул қилинади.

Уларга қуйидагича миллий валюта — сўмда Марказий банкнинг тўлов кунидаги курси бўйича ҳақ тўланади:

— **АҚШ долларида** қабул қилинган маблағларга — **йиллик 15 фоиз;**

— **Евродa** қабул қилинган маблағларга — **йиллик 10 фоиз;**

Бошланғич бадали 500 АҚШ доллари ҳамда 500 еврони ташкил этади.

УНУТМАНГ,
Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

"Пахта банк" омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Қўшимча маълумот учун (8-371) 150-85-27, 150-53-65 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!

Хизматлар лицензияланган.

ҲУҚУҚ

Янги солиқ кодекси — давр талаби

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабул қилинган Янги солиқ кодекси мазмун-моҳияти жиҳатдан олдингисидан анча фарқ қилади. У икки умумий ва махсус қисмларга бўлинган бўлиб 21 бўлим, 64 боб ва 392 моддадан иборат.

Янги солиқ кодекси амалга киритилиши муносабати билан 50 дан ортиқ йўриқнома, низом ва бошқа қонуности ҳужжатлари бекор қилинди. Солиқ масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни ўзида мужассамлаштирди ва тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айлантирилди. Энди солиқлар ва мажбурий тўловлар ушбу кодекс билан ўрнатилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Ҳеч кимга ушбу кодексда назарда тутилмаган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилмайди.

Солиқ кодексидаги 3-бўлим "Солиқ назорати" деб номланган ва солиқ текширувчиларига қаратилган. Бундан 4-5 йил аввал хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти кўплаб назорат органлари томонидан текширилган. Энди-чи? Энди бундай субъектлар мулк шаклига қараб, махсус тасдиқланган режа асосида Давлат солиқ идоралари томонидан текширилади. Қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно, албатта. Бундан ташқари, солиқ текширувлари ўтказишнинг умумий муддати ҳам белгилаб қўйилган. Бу муддат 30 календарь кунидан ошмаслиги керак. Бундан мақсад, солиқ тўловчиларни турли текшир-текширларидан озод қилиш, эркин меҳнат шароитини яратиш, солиқчилар билан солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва бошқалар.

Янги солиқ кодексида солиқ имтиёзларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Ёшлар йили муносабати билан ёш оилаларга қатор солиқ имтиёзлари берилган. Уларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари, шахсий уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган Ипотека кредитлари, иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағлари солиққа тортилмайди. Бундан ташқари, ёш оилалар шу йўл билан қурган ва сотиб олган уй-жойи 5 йил муддатга мулк солиғидан ҳам озод этилади. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари божхона ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилган ёш оилаларни ҳисобга оладиган бўлсак, ёғоч-тахта материаллари арзонлашуви улар учун катта қулайликлар яратади.

Қисқаси, Янги солиқ кодекси давр талабидан келиб чиқиб қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади.

Самар АЗИМОВ,
Миршод ЖАЛИЛОВ

Қисмат ўйинлари нақадар турфа. Бахт ва бахтсизлик... Ҳаёт ва кураш ҳамиша эшилмас иплардек бирга. Аммо... умр ҳасратлари... бу қадим дунёни англаш, инсон қалбининг сир-синоатларига ҳамдард бўлиш ёш билан белгиланмайди. Аммо нима бўлганда ҳам инсон ҳаётга яшаш учун келади. Яшашнинг ўзи ҳам катта матонат талаб қилади, — деган эди донишмандлардан бири.

Тошда унган гул

Мана шундай матонат тимсолига айланган қашқадарёлик гўзал қалб соҳибаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Ҳасратли дунё», «Дилга сиғмас дардларим», «Бир эмас минг кам дунё» каби шеърий тўпламлар муаллифи Дилрабо Бобоқулова дунёнинг ғамларини, ташвишу андуҳларини эрта таниди. У туғилгандаёқ тўшакка михланиб қолди. Бироқ, ҳар куни бир хил қуёшга қараб ҳам, ҳар туни бир хил ёнган юлдузлар шивиридан илҳомланиб ҳам, яшашга нажот топа олди. Аччиқ ҳаёт уни қисматига тан бериб, одамларга яхшиликни соғиниб яшашга ўргатди. Аммо унга мактабда ўқиш насиб этмади. Онаизори кўмагида ҳарф таниб, китоб ўқишни ўрганди. Лекин қўллари ёзишга «кўнмади». Аёвсиз бу кўргулик унинг жисмини мажруҳ этса-да, қалбини маҳв этолмади. У тошда кўкарган гул каби юрагини шеър қилиб, одамларга тортиқ этмоққа жазм қилаверди.

Ижодий сафар асносида қашқадарёлик бир гуруҳ ижодкорлар билан шоирани йўқлаб, хонадонига ташриф буюрдик. Бизни кутиб олгани ногиронлик аравачасида йўлимизга пешвоз чиққан Дилрабонинг кўзларида мунг бор эди. Бу сўнгсиз ҳасрат — тирикликка бўлган маломат эмас, балки ҳаёт фалсафасини англаган инсон ҳаётининг бешафқат хулосалари эди.

— Ногиронлигимдан ўкинмайман. Энг аянчли бахтсизлик бу қўл-оёғи эмас, қалби ногирон кимсалардир, — дейди у. — Ўтаётган ҳар кунимга шукроналар айтаман. Мени матонат тимсоли дея атадингиз-а. Аслида дунёда мендан ҳам бардошлироқ инсонлар жуда кўп. Бунга тақдир тақозоси билан Қамаши туманидаги «Саховат» уйида яшаганимда гувоҳ бўлганман. Соғлом туғилиб, тақдирнинг ғалати эврилишлари туфайли ногирон бўлиб қолган тенгдошларим ҳар лаҳза қалбини қуёшга тутиб яшайди. Ҳали яшашга, ҳаётга, одамларга бўлган умидлари сўнмаган. Орзулари бисёр. Менга яратган энг катта бахт — гўзал ҚАЛБни ато этган. Қайга боқсам гўзалликни, қайга борсам меҳр-шафқатни кўраман. Кўкимтир адирлар қалбимга соҳир шивирлайди. Жилғаларда кўнглим бордек туюлади. Дардларим кўзимни, дунёни қуйдиради. Бундан илҳомланиб шеър ёзаман. Демак, шеър ёзаяпман, мен ҳамон борлигимни, тириклигимни ҳис этаман.

Фикри теран, руҳи юксак, нияти пок бу шоиранинг "...умидларни экиб кетдинг, қалбимга... келмайсизми, соғинмайсизми, бахт юртида дайдиган Дийдор... Мен дунёдан ғолибман, сиз-чи? Чақмоқларим сўнса сиз ҳам сўнасизми? Мен яшаб ўтаман Дилрабо бўлиб..." каби олов сатрларини тинглаб, инсон қалби нурдек ёришади. Юракда алланечук шукроналик туйғуси бонг уради.

Дилрабо юраги севинчга тўлиб:

— Мана бу мактубни наманганлик А. исмли бир жиноятчи йигит менга ёзиб юборган, — дея китоб токчасида тахланган мактублардан бирига даврадагиларнинг эътиборини қаратди. — Бунда ҳаётнинг арзимас ҳою ҳавасларига берилиб, жиноят кўчасига кирган жиноятчи йигит узоқ муддат озодликдан маҳрум этилади. Кунларнинг бирида рўзномаларда мен ҳақимда ёзилган мақолани ўқиб, унга ҳаётдаги энг катта сабоқ фожиали қисматим бўлиб, танлаган йўли хато эканлигини англаб етади. Бундан хулоса чиқариб, умри мобайнида одамларга яхшиликни соғиниб яшашга бел боғлаганлиги таъкидлаган. Бу ҳаётий ҳикоям яқинда «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» кўрсатувида ҳам саҳналаштирилибди. Қанча аччиқ бўлмасин, бу ҳаётим сабоғи кимларнидир эзгуликка чорлаганидан бошим кўкка етди, — дейди мамнуният билан Дилрабо.

Умид ва ишонч, меҳр ва муҳаббатни бошига тож қилиб кўтарган соҳир қалб соҳибаси Дилрабохонга ана шу куч-қудрат унга бир умр содиқ йўлдош бўлиб қолишини истаб, хайрлашдик.

Йўл-йўлакай шоиранинг ушбу сатрлари хаёлимдан кечди:

Умрим девонини варақлаб аста,
Мужгоним намланар ўқиб дил хаста.
Шўрлик бу бошима не кунлар тушмиш,
Ҳасратли умримла Имон пайваста.

Адиба УМИРОВА

ТАҚДИР СИНОВЛАРИ

01 ХАБАР ҚИЛАДИ

Эҳтиётсизлик натижасида фалокат

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 480 та ёнғин ҳодисаси рўй бергани қайд этилди. 9 киши куйиш жароҳатини олган. Кўрилган моддий зарар 6,5 млн. сўмдан зиёдни ташкил қилади.

Содир бўлган ёнғинлардан икки нафар фуқаро қутқариб қолинди ҳамда 333 млн. сўмдан ортиқ қурилиш моллари, 231 млн. сўмдан ортиқ моддий бойликлар ёниб кетишининг олди олинди. Шуни айтиш жоизки, эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик оқибатида кўплаб кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Масалан, Андижон вилояти Булоқбоши тумани "Найман" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи А.Сатторовнинг уйида электр симлар ўз вақтида назоратдан ўтказилмагани сабабли ёнғин келиб чиққан. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари зудлик билан белгиланган манзилга етиб боришганда, аланга уй эгасининг қўшниси, яъни А.Сатторовнинг акасиникига ҳам ўтишга улгурган эди. Тез ва аниқ ҳаракатлар натижасида ёнғин бартараф этилган. Шунингдек, Навоий вилояти Кармана тумани "Кумушкон" фермерлар уюшмасидаги дала ҳовлиларидан бирида ҳам ёнғин келиб чиққан. Бунга хонадон соҳиби А.Тихомировнинг маст ҳолда сигарет чекиб, тўшакда ухлаб қолгани сабаб бўлган. Оқибатда 40 кв.м майдондаги хоналар, том ва уй жиҳозлари ёниб кетиб, устига устак А.Тихомировнинг ўзи ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Наманган вилояти Чортоқ тумани "Алижон" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи О.Тиллаеванинг етти ёшли қизи Турсуной назоратсиз қолдирилиши оқибатида куйиш тан жароҳатини олган.

Кўриниб турибдики, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ана шундай кўнгилсиз воқеалар юз бераяпти. Шу боисдан ҳам фуқаролар ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари ва албатта огоҳ яшашлари керак.

Ҳасан ИРИСМАТОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди кичик инспектори.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

МУЛОҲАЗА

СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Инсон уни даҳшатли қуролга айлантириб юборди. Бир оғиз сўз билан инсонни ўлдириш, бахтсиз қилиш мумкин. Одам боласининг бахтли бўлиши учун ҳам деярли шундай: ёқимли калом бўлса бас. Асли замирига назар солинса, бахтли ҳаёт сари интилиш, меҳрга ташналикни ширин сўзга талпиниш, деб баҳолаш мумкин. Инсон кутган бахт, интилган меҳр шунчалар арзон, аслида. Бироқ... Унда нега бу дунёда "бахтлиман" деган бирор эсли одамни учратиш мушкул?

Бундан чиқадики, сўз жуда қиммат туради!

Аммо инсон умри давомида гапиради, тинмай сўзлайди. Уларнинг барчаси ҳам бу орқали бир нарсани ҳал қилаётгани йўқ. Сўзлар ҳавога совурилади, холос.

Сўз шунчалар қадрсиз!

Бир пайтлар калом ҳам қилмиш каби баҳоланган. Инсон ўз сўзи учун жавоб бериши лозим, деб ҳисоблашган. Ҳозирда сўз инфляцияси юз бераётгандек. Эсимда, болалигимда отам кечалари уюштириладиган китобхонликлардан қайтиб, аллақандай ички бир ишонч билан, жуда жиддий, ҳаётий гапни айтаётгандай эшитганларини ҳикоя қилиб берардилар. У пайтда одамлар сўзга, босма сўзга қатъий ишонарди, ҳатто муқаддас ҳисоблашарди. Газетада босилса-ку, мутлақ ҳақиқат, деб қабул қилинарди.

Ҳозирда бировни нимагадир ишонтириш учун соатлаб гапириш лозим, ҳақиқатни исботлашга кўп манба талаб қилинади. Демак, сўзнинг қадрсизланиш жараёни кетяпти. Дам олиш газеталари, FM радиолари бу жараёнга ўзининг "муносиб" ҳиссасини қўшаётган бўлса ажаб эмас. Чунки улар сўздан кўпроқ кўнгилочар восита сифатида фойдаланади. Уни кўпроқ шу маънода ишлатади. Илгари у ўзаро муносабат ва ахборот олиш воситаси бўлган.

Тўғри, бу одамларнинг қатъийлиги, билими, ўзига ва ўзгалар з талабчанликнинг ошиб бораётганидан ҳам дарак беради. Бироқ бир вақтнинг ўзида бу сўзнинг нархини пасайтиради, қадрини туширади.

Сўз ва гап барчаники, ундан фойдаланишни чеклаб бўлмайди. Кейинги йилларда тилимизда жиддий ўзгаришлар бўлаётганини оддий, эътиборсиз фуқаро ҳам сезса керак. Бу гап тузилишидаги ўзгаришлар.

Бунда рекламанинг аҳамияти катта. Чет элда ишлаб чиқилган ва реклама қилинган маҳсулотлар, хизматларнинг бизда ҳам тарғиб қилинишида тилимизнинг ўзига хослиги эътиборга олинмайди. Дастлаб, бу маҳсулот ва хизматнинг шиорларини таржима қилганлар ўзбек тилини яхши билмаса керак, луғат орқали ўгиргандир-да, деб ўйлардим.

Инсоннинг энг катта ютуғи, шубҳасиз, тафаккури. Агар уни ифодалай олмаганида, фикрнинг аҳамияти бўлмас эди. Демак, муҳими — Сўз.

Тушунаяпманки, реклама берувчи аҳмоқ эмас. У рекламадаги номиллий муҳит билан миллий сўз услуби қовушмаслиги мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун сўзма-сўз таржима услубини қўллайди. Натижада, "Синиб қолдингми?", деганга ўхшаш иборалар пайдо бўлади. Демак, ўзига хос товар, ўзига хос муҳит ҳатто сўз қурилиши ҳам ўзига хос.

Бир пайтлар "Фақат даҳоларгина янги сўз яратиш ваколатига эга", деган фикр бўларди, энди шу тушунчани сал ўзгартирса ҳам бўлар: "Янги ибора яратиш ваколати фақат рекламачиларгагина тегишли".

Бунинг устига "реклама тили"ни эшитиб, ўрганиб улғайган авлод етишиб келаётир. Уларга мана шундай — тўғри таржима бўлмаса, фикрни англаши қийин. Демак, тил шаклланяпти. Нафақат сўз, балки гап тузилиши ҳам умумийлашаяпти.

Умуман, бу жараён ҳар доим кечган. Дейлик, биз учун "Ўткан кунлар"нинг тили бироз ғалати туюлади. Яъники, уни оддий гаплашувда ишлатиб бўлмайди. Демак, салкам юз йил ичида тилимизда шунча ўзгариш бўлган. Ўйлайманки, орадан яна бир аср ўтиб, биз бугунги кунда танқид қилаётган, байналмилал сўзлар тобора кўп қўлланилаётган тилни китобий деб қабул қилишади. Бунда ёзувчилар, журналистларни ҳам айблаб бўлмайди. Улар хоҳласа – хоҳламаса халқдан ажралиб қолмаслик учун унинг тилига яқинлашишга мажбур. Бирор-бир ҳудуд ҳақида нимадир ёзар экан, у фақат шу ердагина ишлатиладиган сўз ва иборалардан фойдаланади. Бу эса мақолага, асарга ўша жой муҳитини беради. Бунинг эса салбий томони ҳам бор — ёзувчи, журналист ишлата бошладими, демак, сўз расмийлик мақомига эга бўлди, дегани.

Масалан, бугун сўзлашувда ишлатилаётган русча сўзлар потирлаб матбуотга чиқиб қолди. Бу шу даражага етдики, ҳатто рус тили расмий мақомга эга бўлган даврда ҳам бунчалик эмасди. Тўғри, бу кўпроқ кулги чиқариш, баёнчиликдан қочиш, халқ тилига яқинлашиш учун берилмоқда. Лекин бора-бора бунақа сўзлар меъёрга кириб боради. Лекин шундан ўзга чоранинг ўзи йўқ.

Нима бўлганда ҳам, инсонда сўзга маҳлиёлик касали бор. Албатта, у дилнинг, кўнгилнинг калити ва ойнаси бўлган, энди кўпроқ унинг қопқоғи. Чунки у билан инсон кўнглидаги нарсаларни яширишга, бўяб-бежаб кўрсатишга ҳаракат қилишади.

Шунга қарамай, жамиятда ишонувчан, содда инсонлар кўп... Шундайлар ҳам борки ҳатто сотувчиларнинг гапигада ишонади-я, ё тавба.

Аслида, уларнинг ўзи бундан кўп зарар кўрса-да, жамият шундай содда, ишонувчан фуқаролари борлиги туфайлигина тараққий этади.

Энди қиличлар, милтиқлар, тўплар ва ракеталар эмас, кўпроқ тил билан уришадилар. Ҳарбий қурол-аслаҳа ҳозир тилнинг бақувват бўлиши учун хизмат қилаяпти, холос.

Ахир, жим ўтирган одам кўпроқ, мискин, хўрланган, бечора бўлиб кўринади-да. Шундай кўринмаслик учун эса сўзлаётган одамдан кўра бешўн баробар кўпроқ ҳаракат қилиши, иш бажариши керак.

Бизда болалар тарбиясидаги камгапликни улуғлаш ва тарғиб қилиш, албатта, тўғри йўл эди. Бироқ энди бу хусусиятимиз билан бошқаларнинг олдида уялиб қолишимиз мумкин. Чунки ҳозир бутун жаҳонда тил вертолётнинг паррагига ўхшаш вазифани зиммасига олган: паррак айланмаса, вертолёт қулаб тушади.

Исмоил ШОМУРОДОВ

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Шу йилнинг бошидан бошлаб газетамизда "Нигоҳимизда – ҳудудий нашрлар" рукни ташкил этилганди. Унда республикамизнинг вилоят ва туманларида нашр этиладиган маҳаллий нашрларнинг энг сара материалларидан парчалар бериб бориш асносида жойларда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгиликлар, мавжуд муаммолар билан муштарийларимизни таништириб бораётгандик. Қолаверса, вилоят ва туман матбуотининг ютуқ ва муаммоларидан хабардор бўлиб боришни ҳам кўзлаган эдик. Бу ташаббус Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига маъқул келиб, эндиликда бу ишни фонд кўмагида олиб бориш имконияти туғилди. Демак, "Ҳудудий нашрлар"да рукни давом этади.

Жой номлари ҳақида

ANDIJONNOMA

– Опа, Зелёнмосга борасизми, чиқинг, — бу таниш манзил номини ҳар куни эшитамиз. Аммо, бирор марта ҳам нега "Зелёнмос" дейилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Биз-ку, бир пайтлар бу ерлар "Куйганёр" қишлоғи бўлганини, кейин поезд йўли тушиб, Қорадарёга зангори кўприк қурилиб, 50-60 йил унинг номи "Зелёний мост" деб аталганини биламиз. Аммо, энди мустақиллик туфайли ўз номи билан аталаётганига эътибор ҳам бермаяпмиз. Тилларимиз, қулоқларимиз бу сўзга шундай ўрганиб кетганки, ҳатто бу ўзбекча сўз бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Бундай мисоллар эса жуда кўп. "Тельман", "Свердлов", "Киров", "Коммунизм", "Комсомол","Чапаев" деган ёзувларни ҳамон йўналишлардаги таксиларга қўйиб олган, бу жойларнинг янги номлари билан қизиқмайдиганлар қанча?! Аммо, мустақилликнинг илк йилларидаёқ миллий ўзликни англаш, қадриятларимизни ҳаётга қайтариш, собиқ коммунистик тузум даврида асоссиз ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топономик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида" 2004 йил 11 августда махсус қарор қабул қилиши бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Қарор Низомида жой номларини ўзгартиришни тартибга солиш, тарихий, миллий маънавиятимизга ёт бўлган номлардан халос бўлиш, жой номларини маҳаллий аҳолининг истакаларини инобатга олиш кўрсатиб ўтилган эди...

... Бундай бефарқликни хоҳлаган туманда учратишингиз мумкин. Аммо топонимик комиссия ва ишчи гуруҳларнинг ишини шундай жонлантириш керакки, токи фарзандларимизнинг тилида юртимизнинг ўз номлари янграсин.

М. ОТАМИРЗАЕВА.
"Andijonnoma" газетаси. 3 май.

Инсофни йўқотмайлик

Қадимда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда донғи достон бўлган Жиззах шаҳрининг бугунги мавқеи қандай? Келинг, шу ҳақда суҳбатлашайлик.

Шаҳар бозорларида сотилаётган нон маҳсулотларини синчиклаб кўринг. Нон харид қилаётганингизда бўрсилдоқдек кўринади. Ҳалиги нонинг икки донасини олиб, яқин орадаги чойхонага

JIZZAH HAQIQATI

етгунингизча туршак бўлиб қотиб қолади. Ёки бўлмаса, ўз сиғимини йўқотиб, бундан ўн кун олдин ёпилган қотган нондек бўлиб қолади. Бу ҳолатнинг сабабини билиш учун мен нон маҳсулотлари бўйича мутахассис, инженер-технолог Анвар Номозовнинг фикрига қулоқ тутдим.

— Бугун одамлар пулнинг орқасидан ким ўзарга қувишяпти. Ноннинг қотиб қолиш сабабини айтсам, сода кукуни хамиртурушга кераклигидан ортиқча қўшилмоқда. Бу хамир ачимай, кўзга ачигандай кўринади. Абжир новвойлар дарров зувала ясаб, нон ёпувчига узатаверади. Кислотали сода юз фоиз ҳароратда парчаланиб, тандирга ёпилган зувала бир зумда қизариб, пўкак бўлиб, шишиб чиқади. Хамир ўз оғирлигининг 61-63 фоизини йўқотиб, сиз кутган иссиқ нон бир зумда ўз таркибидаги пегментларни йўқотади. Шунинг учун ҳам биз харид қилган нон кайфиятимизни кўтариш ўрнига жиғилдонимизни қайнатиб, бош ичакнинг деворларини куйдириб, ошқозон ичак касалликларига мубтало қилади. Оқибатда, яна дори-дармон ичамиз, шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Хуллас, 500 сўмга нон сотиб олиб чойхонада чой ичиш, кейин доктор хизматини қўшиб ҳисобласак, 5 минг сўмга тўғри келади. Ҳозир айрим новвойлар инсофини ҳам ўз нонларига қўшиб сотиб юборишаяпти...

Карим МУСАМУРОДОВ.
"Жиззах ҳақиқати", 14 май.

Қулф урилган музей

NORIN OVOZI

Норин тарих ва ўлкашунослик музейида ҳам минглаб экспозициялар бор эди. Туман ҳаётининг XVIII-XX асрлар оралиғида ҳам рус босқини, ҳам иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврга оид тарихий манбалар қўйилган музей мактаб ўқувчиларининг севимли жойи ҳисобланарди.

Биз музей иши билан танишиш учун у ерга уч-тўрт бордик. Эшигига қулф осилган, дераза орқали қарасак экспонатлар кўринмади. Маълум бўлишича, М.Мирзаахмедова туман маданият бўлими мудири бўлиб ишлаган даврда бу ерга болалар кутубхонасини ҳам жойлаштирган, бинони яхшигина таъмирдан чиқарган экан. Кейин музей қўлдан-қўлга ўтди, маданият бўлимидан коммунал ва ободонлаштириш бўлимига олиб берилди. Мана, бир неча ойдирки, бинода қоровулдан бошқа одамни топиш қийин. Кўп йиллар мобайнида йиғилган тарихий буюмларнинг бир қисми йўқолиб кетибди. Осори-атиқалар йиғувчи бир мутахассиснинг айтишича, бу ерда аввал бўлган паранжичачвоннинг бозор нархи 1000 доллар экан. Ҳатто бу музейда рус большевиклари "босмачи" деб озодлик курашчиларини отган "Максимка" пулемёти ҳам турар эди. Туманда туғилиб ўсган юзлаб фидойи кишилар, Норинда етишиб чиққан олимлар ҳаётини акс эттирган кўргазмалар ҳам кўринмай қолибди...

З.ЮНУСОВ.
"Норин овози", 17 май.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ҲАМКАСБ

Маҳмуджон Комилжонов ижодий фаолиятининг асосий қисми "Тошкент оқшоми" билан боғлиқ. Эсимда, халқимизнинг иродасини текширган, бардошини синовдан ўтказган 1966 йилги машъум зилзиладан сўнг, шаҳримиз улкан қурилиш майдонига айланиб кетганди.

Айтилмаган гаплари бисёр

Худди шу даврда катта микёсдаги бунёдкорлик ишларининг боришини кенг оммага етказиш учун Тошкентда бир йўла эгизак — "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари вужудга келди. Газета жамоаси тезда Ҳамид Икромов, Солиҳ Ёқубов, Борис Пармузин, Михаил Пругер, Тўлқин Расулов, Маҳмуджон Комилжонов, Абдулла Пўлатов каби тажрибали журналистлар билан шаклланди.

Маҳмуджон деҳқон фарзанди бўлгани учун, иш бошлаган илк кезлариданоқ, кишиларни табиатни муҳофаза қилиш, унинг бебаҳо неъматларини эҳтиётлаб асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишга чақиришдек ниҳоятда масъулиятли ишга қўл урди. Таҳририят ходимнинг бу ташаббусини маъқуллади. Тез орада Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда "Табиат ва инсон" иловаси дунё юзини кўра бошлади ва Маҳмуджон Комилжонов ҳақли равишда жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Қатор йиллардан буён газетада "Зийрак бобо шаҳар кезади" сарлавҳали мақолаларида пойтахтимизнинг маҳалла-кўйларида, шунингдек, турли ташкилот ва корхоналарда юз бераётган айрим камчиликларни кўрсатиб, уларни зудлик билан бартараф этилиши баробарида жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган куюнчак қалам соҳиби ҳам айнан Маҳмуджон Комилжоновдир. Унинг газетачиликдаги хизматлари зое кетмади. Маҳмуджон 2000 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонига мушарраф бўлди. Бугун ҳам унинг қатор-қатор муаммоли мақолалари газета саҳифаларини безаб турибди. Кўплаб очерклари тўплам шаклида китоб қилиб чиқарилди, чиқарилмоқда. Хусусан, куни кеча ҳамкасбимизнинг минглаб кўзи ожизларни ёруғ дунёни кўриш шарафига муяссар этган шифокор, профессор Маҳаммаджон Комилов ҳақидаги ҳужжатли бадиий қиссаси китобхонлар қўлига етиб борди.

Тажрибали журналист Маҳмуджон Комилжоновнинг бисотида ҳали теша тегмаган янгидан-янги мавзулар, ажойиб ғоялар бисёр. Жонкуяр ва меҳнаткаш ҳамкасбимиз юрт равнақи йўлида ҳали яна узоқ йиллар хизмат қилиб юраверишига тилакдошмиз.

Юнус ЗИЁДОВ,
фахрий журналист.

Муҳими — жасорат ва шижоат

Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси мухбири Жаҳонгир Тўйчиевга хат

Азиз ҳамкасбим Жаҳонгир!

Мен воҳанинг бетакрор гўзалликка эга кенгликларида бўлган "Асрлар садоси—2008" маданият фестивалидан тайёрланган ва вилоят телевидениесида намойиш этилган репортажингизни кўрдиму, беихтиёр қўлимга қалам олиб, ушбу мактубни ёзишга тушдим. Бунинг бир неча сабаблари бор эди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлимида шаклланган анъанага кўра, яқинда бир гуруҳ журналистлар Қашқадарёда ўзаро тажриба алмашиб қайтдик. Ўшанда биз вилоят телерадиокомпанияси фаолиятини катта қизиқиш билан ўргандик. Очиғи, шу соҳага озми-кўпми умрини бағишлаган бир журналист сифатида учта ҳолат мени бениҳоя қувонтирди: биринчиси — жамоадаги аҳиллик ва касбий савиянинг анча юқорилиги; иккинчиси — телевидениенинг замонавий техник жиҳозланганлиги ва уни янада ривожлантириш борасида вилоят ҳокимлиги фармойиши асосида аниқ амалий дастур устида иш олиб борилаётгани; учинчиси — соҳанинг билимдони, ҳозиржавоб ташкилотчи, телевидениени қалбан муқаддас даргоҳ деб билиб буни бошқаларга ҳам сингдиролган ёш раҳбарнинг иш услуби.

Ахборот тарқатишда замонавий технологияга асосланган телевидениенинг ўрни беқиёс. Маълумки, телевидение ижодий салоҳият ва техник имкониятнинг уйғунлашувидир. Ҳаётий тажрибадан шуни айтиш мумкинки, баъзи жойда техник имконият бисёру, ижодий савия оқсайди ёки аксинча. Аммо Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясида бўлганимизда унинг студия, павильон, монтаж хоналари билан танишиб, ёш, юрагида ватанпарварлик туйғуси жўш уриб турган, кўзи чақноқ, ғайратли ва жасоратли ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашганимизда бу ерда ҳар икки омил ҳам мужассам эканига иқрор бўлдим. Бинога кираверишда "Телевидение — муқаддас даргоҳ" деган ёзув илиб қўйилибди. Шу уч сўзда жамоанинг ҳамда унинг ғайратли раҳбари Чоршанби Рўзибоевнинг мақсад ва мезонлари ўз ифодасини топгандек. Тележурналистлар ўз ишига қанчалар талабчан эканини Қашқадарёда бўлган кунларимиз намойиш этилган кўрсатувлар орқали ҳис қилдик. Сўз устида ишлаш, сўз билан тасвирнинг бир-бирини тўлдиришига эришиш, сўзлаш одоби ва маданияти, тасвирларнинг тугалланганлиги, монтаждаги мантиқий динамика — буларнинг ҳаммаси бир мақсадга, томошабинга етказилаётган хабарни асослашга, уни шу информацияга ишонтиришга қаратилган. Бундай яхлитликни бир сўз билан маҳорат дейиш мумкин. Мени тааажжубга солгани, тўғрироғи, хурсанд қилгани, вилоят ҳокимлигидаги ҳафталик йиғилишда газета ва телевидениеда ҳафта давомида берилган танқидий, таҳлилий кўрсатувлар муҳокама қилиниши, кўтарилган масалага унинг ечимини топиш учун билдирилган муносабат эди. Аслида, матбуотнинг кучи ҳам шунда эмасми?

Ёш, аммо ишни муваффақиятли йўлга қўя олган журналист сифатида сизга тилагим шуки, ҳеч қачон ютуқдан ғурурланиб кетманг. Билингки, аслида бундан ҳам яхшироқ ишлаш, бундан ҳам жонли ва оммавийроқ кўрсатув тайёрлаш мумкин.

Хўш, сиз каби иқтидорли журналистлар кўпми-озми? Тележурналист қаерда, қандай шароитда тайёрланади ёки шаклланади?

Айтайлик, Фарғона водийси телевизион эфир бозоридаги каби рақобат республикамизнинг ҳеч қаерида учрамайди. Фарғона вилоятида иккита давлат, тўртта нодавлат, Андижоннинг битта давлат ва иккита нодавлат, Наманган вилоятининг битта давлат, битта нодавлат телевидениелари, бундан ташқари, "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт" телеканаллари кўрсатувлари томошабин учун битта экранда баҳслашадилар. Бу

каби жараёнда томошабин — истеъмолчи ўзига ёққан канал тугмасини босади. У айнан сизнинг кўрсатувларингизни кўриш учун томошабинни юқори савияли кўрсатувлар билан қизиқтира олиши керак. Бунинг учун аввало халқ дилидаги мавзулар, куннинг муҳим гаплари очиқ-ошкора, тезкор ва холис ўз аксини топиши зарур. Мени хавотирга солаётгани журналистларда жасорат, шижоат етишмаётганидир. Мамлакат равнақи, халқ фаровонлигига тезроқ эришишга тўсқинлик қилаётган қусурлар камми ҳаётда? Уларни бартараф этилишидан аввало халқ манфаатдор эмасми? Хўш, шундай экан, нега тележурналистика бу борада дадилроқ чиқишлар қилмаслиги керак? Албатта, эришилаётган муваффақиятлар бизники. Улар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапиришга ҳақлимиз. Аммо камчиликлар-чи? Уларни ҳам ўзимиз келтириб чиқараяпмиз-ку? Демак, камчиликларни бартараф этишга жамият эътиборини қаратиш, у ҳақда жамоатчилик фикрини шакллантириш айнан оммавий ахборот воситаларининг, биринчи галда телевизион журналистиканинг вазифаси эмасми?

Бугун мамлакат бўйлаб ўз кўрсатувларини тарқатаётган телеканаллардан ташқари қудратли нодавлат телетармоқ тизими шаклланди ва самарали фаолият олиб бораяпти. Ҳозирча 24 та ана шундай ОАВ информация бозоридан муҳим ўрин олди. Мамлакатда эса жами 50 га яқин телеканал мавжуд. Унинг тўртдан бири Фарғона водийсида жойлашган. Уларнинг ҳаммасини уйғунлаштирувчи битта муаммо бор — малакали ёш журналистлар керак. Бу масалани ҳар ким ўз билганича ҳал этмоқда. Қаердадир устоз-шогирдлик йўриғида, қаердадир бошқа соҳа вакиллари учун малака ошириш ўқувлари орқали ва яна бир жойда республика телевидениесида ишлаётганларни ўз вилоятига жалб қилиш йўли билан.

Қашқадарёда бўлганимизда "Халқ билан юзма-юз" кўрсатуви билан танишдик. Унда вилоятнинг биринчи раҳбаридан то бошқарма, турли соҳа етакчиларигача телефон орқали берилган саволларга жонли мулоқат тарзида телевизион эфирда тўғридан-тўғри жавоб қайтардилар. Халқ куннинг руҳини ҳис қилиб кимнинг ким эканини, унинг савияси, дунёқараши, мақсад истаклари, режалари ва салоҳиятидан хабар топиб туради бу кўрсатув туфайли.

Шу сатрларни ёзаяпману, хўш, бу масала Фарғонада қай аҳволда деган савол тинчлик бермайди. Мамлакатнинг барча вилоят телерадиокомпанияларига ўрнатилган Германиянинг "Сименс" телевизион техникаси насиб қилса, Фарғона вилоят телерадиокомпаниясига энди келтирилади... Афсуски, вилоятдаги айрим раҳбарлар ҳатто журналистлар билан юзма-юз учрашишдан қочадилар. Фикр алмашиш, мулоҳаза билдириш учун ноилож уларга мактуб орқали мурожаат қилинаётган ҳоллар кундалик воқеликка айланиб қолмоқда.

Шундай бўлса-да, Фарғона вилояти ижодкорлари ўзбек миллий журналистикаси ривожига ҳамиша салмоқли ҳисса қўшиб келганлар. Уч йил ичида олтита журналист "Олтин қалам" халқаро танловида Миллий мукофот соҳиби бўлганлигининг ўзи ҳам фикримиз далилидир.

Яна бир муҳим жиҳат — журналистикада мухбирнинг "МЕН"и, яъни ўзига хос ўрни бўлишлигидир. Айниқса, телерепортажда воқеликка репортёр муносабати унинг стендапида (тасвирда туриб айтган сўзларида) ўз ифодасини топади. Ҳолбуки, аксарият мухбирлар тасвирда пайдо бўладию, "Мана бу сиз кўриб турган бинода фалон мавзуда конференция очилди", "Корхонада қўлимдаги каби маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди", "Мана шу далада фермер фалончa буғдой етиштиради" қабилидаги гапни айтади. Бундай информацияни тасвир ортидан ҳам айтса бўлади-ку. Журналистнинг тасвирда пайдо бўлиши томошабин учун, албатта, бирор янгилик бериши, мулоҳаза учун мавзу ташлаши, воқеликка ўз муносабатини билдириши шарт, акс ҳолда унинг эфирда кўриниши ўзини оқламайди. Бу гаплар Сизнинг "Асрлар садоси—2008" кўрсатувидаги чиқишингизга ҳам тааллуқли. Журналист кадрда пайдо бўлгач, муҳим мавзуни кўтариш билан бирга, сўзларни дона-дона талаффуз қилиш, зарур жойда тўхталиш, муҳим маъноли сўзга урғу қўя билиш, информация мазмунини юзида ҳам ифодалаш, товуш тембрларини нутқ давомида бошқариб туриш каби талабларни ҳам унутмаслиги керак. Ана шундагина сиз телетомошабин қалбига йўл топа оладиган машҳур тележурналистга айланасиз. Мен шундай кунлар келишини кутиб қоламан.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ЖАҲОН МАТБУОТИ

Журнал – эстетик билим мажмуи

“Радио ва телевидениедан журналларнинг фарқи — у берадиган илғор маслаҳатлар, гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсир кўрсатадиган эстетик билимлардир”. Француз зиёлилари томонидан қайд этилган мазкур фикрнинг нечоғли тўғрилигини ўша давлат журналларини варақлаганда гувоҳи бўласиз.

Бир қанча кескин вазиятларга дуч келиб, чигал тўсиқларни енгиб ўтган француз матбуоти бугунги кунда ривожланган давлатлар ўртасида ўзига хос мавқега эга. Унинг илғорлашувига бир неча омиллар сабаб бўлиб, улар сиёсий ҳаётнинг эркинлашиши, шаҳарлаштириш, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши натижасида ахборот олиш имкониятининг кенгайиши, нарх-навонинг пасайиши ҳамда ўқувчилар томонидан матбуотга бўлган қизиқишнинг ортиб боришида кузатилади.

Маълумки, французлар журналхонлик бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Айни пайтда мамлакатда 2 мингга яқин журналлар ўз ўқувчиларига эга бўлиб, улар нафақат муайян соҳаларга ихтисослашган, балки ёш категориясига нисбатан ҳам бўлинганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, эътиборимизни биргина аёллар матбуотига қаратадиган бўлсак, мазкур аудиториянинг ўзини бир қанча қисмларга бўлинганлигини кўрамиз: ўн саккиз ёш бекати (аудитория қатлами 16 ёшдан 22 ёшгача), келинлик гашти (вазифа ва мажбуриятлар), бегойимлик маслаҳати (турмуш ўртоғига нисбатан муносабат ҳамда она бўлишда ўтайдиган босқичлар), гўзал бўлиб қолиш сири (30 ёшдан 45 ёшгача), қариликдан олдинги ҳолат (руҳий ва жисмоний толиқишга тайёргарлик), шунингдек, фақатгина хотин-қизлар ҳаётида кузатиладиган тиббий жараёнлар ҳақида мутахассислар иштирокидаги алоҳида нашрлар мавжуд.

1970 йилга келиб, илғор алоқа маркази журналларнинг асосий вазифаларини ўқувчиларнинг турмуш тарзи ва менталитетига боғлаган ҳолда ўрганадилар. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, журнал обуначилари сони қанча бўлишидан қатъи назар ҳамма нашрлар уч вазифани бажарувчи ҳар хил даражага бўлинади: “бошқарувчи”, “ҳамроҳ”, “биз билан кимдир”. Бундан ташқари, олимлар журналларнинг кузатувчанлик, текширувчилик ва файласуфлик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади.

Келажакни яратиш, оиладаги эр-хотин муносабати, рўзғордаги иқтисодий тежамкорлик, болалар тарбиясида учрайдиган нозик жиҳатларни ўрганиш (уларни ўз вақтида меҳнатга йўналтириш) каби ижтимоий масалалар журналларнинг доим диққат марказида туради.

Францияда асосан “L histroire” (“Тарих”), “Management” (“Менежмент”), “Sante” (“Соғлик”), “Lire” (“Мутолаа”), “Art et Decoration” (“Санъат ва безак”), “La Mode” (“Мода”), “Vie universitaire” (“Университет ҳаёти”), “Guide cuisin” (“Ошхонага саёҳат”), “Maison” (“Хонадон”) каби журналлар қўлма-қўл ўқилади. Шунингдек, “Capital” (“Пойтахт”), “Le Point” (“Нуқтаи назар”), “Sciences et Humaines” (“Жамият ва одамлар”), “Premiere” (“Биринчилар”) сингари оммабоп журналлар ҳам аҳоли эътиборидан четда эмас. Сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, атроф-муҳит ва экологик мавзуларни бирдек ёритиб борувчи мазкур журналлар аудиторияси чегараланмаган. Чунки бошқа Европа халқлари каби Францияда ҳам 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли қатлами мамлакат ҳаётидаги барча жабҳаларда фаол иштирокчи саналади. Масалан, 1-синф ўқувчиси ҳам пластик карточкаси орқали метро ва мактаб ошхонасига ўхшаш пулли хизматларда бемалол ҳисоб-китоб амалларини бажаришга қодир. Ёки француз оилаларининг спорт мусобақаларига фарзандларини ҳам етаклаб боришини олайлик. Француз болаларига микрофон тутиб, қайси спорт устаси қандай йўналишда майдонга тушишини сўрасангиз, ҳеч иккиланмай айтиб беролади.

Француз журналларининг гуллаб-яшнашида йирик корпорациялар – Ашшет, Эрсанларнинг роли катта. Мамлакатдаги тармоқ журналларининг, муболаға билан айтганда, сони бор, саноғи йўқ. Спорт ишқибозлари, соғлиқ тарафдорлари, ашаддий мутолаачилар, уй ва офис безакларига қизиқувчилар... Бундай нашрлар мухлислари учун бугунги кунда яшаш осон, таҳририятлар учун эса, аксинча, оғирлашиб бормоқда. Негаки, рақобатдан омон қолиш айни пайтда фақат молиявий сабабларга тааллуқли бўлибгина қолмай, балки ғоялар ранг-баранглигини ҳам тақозо қилмоқда. Мазкур иккинчи тамойил (ғоянавислик)нинг устуворлиги сўнгги пайтларда француз оммавий ахборот воситалари фаолиятида яна бир янги соҳани юзага келтирди. Эндиликда реклама агентликлари негизида ғоялар хизмати (service de la ideologie) ҳам фаолият юритмоқда.

Францияда ҳар бир фасл модалар намойиши билан бошланади (Ўлканинг “Модалар мамлакати” деб эътироф этилиши ҳам аслида шундан келиб чиққан). Бу пайт журналлар учун энг даромадли мавсум ҳисобланади. Чунки мода билан шуғулланувчи фирма ҳамда ателье лар имкон қадар барча журналларда иштирок этишни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам ҳисоблашиш навбати таҳририятлар қўлида бўлади.

Франция оммавий ахборот воситалари, хусусан матбуотда (узоқ яшовчанлигини ҳисобга олиб) реклама бериш жуда қаттиқ назорат остига олинган. Айниқса, реклама сиёсатидаги мавжуд истеъмолчига эстетик ва руҳий таъсир этувчи омилларга эътиборлироқ бўлиш агентликлар зиммасига катта масъулият юклайди. “Capital” журналининг 2007 йил июль сонида берилган ошхона мебеллари ҳақидаги реклама тегишли ташкилотлар томонидан тазйиққа учради. Рекламада эр ва хотиннинг ошхона юмушлари акс эттирилган бўлиб, унда аёл киши классик кийимда олдида фартуги билан ҳамда пошнали туфлида бўлади. Мазкур тасвир ҳайъат аъзолари томонидан истеъмолчини камситиш ва ёшлар савиясини туширувчи реклама сифатида қораланади. Шунингдек, журналларда рекламаларни жойлаштиришнинг ҳам ўзига хосликлари мавжуд. Халқ саломатлиги билан боғлиқ рекламалар (дорилар, сунъий овқатлар, болалар ўйинчоқлари, дам олиш масканлари), албатта, ўз изоҳи билан берилади. Яъни, рекламадан олдин маҳсулотнинг таркиби билан таништирилади ёки мутахассис билан махсус интервью ташкил этилади.

Заргул ЭРНАЗАРОВА

ЯПОНИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА



Шанба куни Япониянинг Хонсю оролида 4,4 балли ер силкиниши содир бўлди. Кетма-кет ўнга яқин силкиниш юз берган. Оқибатда, тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, икки юз элликдан зиёд одам оғир жароҳатланди, ўнлаб одамлар эса бедарак кетган. Айни пайтда қутқарув ишлари олиб борилаётир, аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.

Хабарларга қараганда, Иватэ ва Мияги туманларига нисбатан кўпроқ зиён етган. Ўттиз минг хонадон электр таъминотидан узилиб қолган. Сув тармоқларида носозлик юзага келиб, кўприк ва йўллар ҳам яроқсиз бўлиб қолган.

Яқиндагина зилзиладан азият чекан Хитой Японияга ҳамдардлик мактубини йўллади. Хитойда 12 май куни бўлиб ўтган табиий офатдан қарийб 70 минг киши ҳалок бўлганди.

ТИЛИДАН ТУТИЛГАН ТОМАС

Австралиялик собиқ таксичи Жек Томас “ал-Қоида” гуруҳи билан алоқада бўлганлик айблови билан иккинчи маротаба жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунга унинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюси сабаб бўлмоқда.

2006 йилнинг март ойида ўзига Жиҳод Жек деб ном қўйиб олган Томас “ал-Қоида” одамларидан пул олгани ва сохта паспорт ишлатгани учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Унга қарши айбловлар 2003 йилда Австралия федерал полициясининг Покистонда ўтказилган сўровлари давомида йиғилган маълумотларга асосланган эди. Аммо судда бу маълумотлар рад этилиб, Томас 2006 йилнинг августида озод қилинган.

Таъкидлаш керакки, Томас 2006 йилнинг февраль ойида Австралиянинг ABC телеканали “Four Corners” дастуридаги чиқишида ўзининг “ал-Қоида” гуруҳи билан алоқада бўлганлиги тўғрисида гапириб берганди. Ўша сафар судда бу интервью инобатга олинмаган. Лекин эндиликда айнан мана шу интервью мельбурнлик собиқ таксичига илгари қўйилган айбловларни тасдиқлаши таъкидланмоқда.

АНГЛИЯ ҲАРБИЙ САМОЛЁТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Инглиз армияси ҳаво кучларига тегишли «Harrier» самолёти ҳалокатга учради. Расмий хабарларга кўра, авиаҳалокат Лондондан 160 километр шимолда содир бўлган.

Самолётдан сакраб омон қолган учувчи тезда шифохонага олиб келинган. Ҳозирда унинг аҳволи ва ҳалокатнинг сабаби ҳақида аниқ маълумот берилмади.

Бошқа жароҳатланган ва қурбон бўлганлар ҳақида ҳам хабар тарқатилгани йўқ, фақат фалокат рўй берган Эшвел қишлоғи яқинига қутқарувчилар юборилгани айтилмоқда.

САНОАТ ШАҲАРЧАЛАРИ ҚУРИЛАДИ

Ҳиндистон ҳукумати ахборот технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қирқдан зиёд мажмуа қуришни режалаштирмоқда. Идора ва корхоналар, савдо марказлари, турар жой бинолари, шифохоналар, мактаб ва дам олиш масканларини ўз ичига олган ҳар бир комплекснинг майдони беш юз гектардан ошади.

Маълумотларга қараганда, бундай саноат шаҳарчаларида умумий ҳисобда қарийб 3,5 млн. иш ўринлари яратилади. Қурилиш 2018 йилгача тугалланиши кўзда тутилган.

ЭРОН ПОЛИЦИЯСИ “БЕҲАЁ” КИЙИМЛАРГА ҚАРШИ

Эрон полицияси кийинишда ислом дини қонунларини бузаётган аёллар устидан назоратни кучайтириш ҳаракатида. Бу ҳақда Reuter ахборот агентлиги хабар тарқатган. Аммо муаммо фақатгина ярим ялонғоч кийинаётган аёлларда эмаслиги ҳам айтилмоқда. Ўшандай кийимлар билан савдо қилаётган дўконлар ва уларнинг эгалари ҳам жазога тортиладилар. Шу йўл билан полициячилар жамият бирдамлиги ва миллийликка путур етказаётган ҳолатлар устидан қатъий назорат ўрнатмоқчи. Эслатиб ўтамиз, 1979 йилда Эронда юз берган инқилобдан кейин эронлик аёллар бошдан оёқ таналарини ёпиб турувчи хижоб кийиб юришлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганди. Бу қоидани бузганлар жаримага тортиладилар ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар. Энди бу ҳукм янада қатъийлашди.

Дарвоқе, мамлакат қонунчилигига кўра, сочини ажнабий юрт кишиларига тақлид қилиб, беўхшов стилда олдирадиган эркаклар ҳам озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

ПОКИСТОН ҲУКУМАТИ ҲАМИД КАРЗАЙДАН НОРОЗИ

16 июнь куни Афғонистоннинг Покистондаги элчиси Покистон ташқи ишлар вазирлигига чақирилди. Унга Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг мурожаатига расмий норозилик билдирилди.

Маълумки, 15 июнь куни Ҳамид Карзай Покистон ҳудудидаги Толибонларнинг асосий ва машғулот ўтказиш базаларини йўқ қилиш учун ҳарбий операциялар ўтказилишини эълон қилганди. Associated Press ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, президентнинг бу қарорини чегарада жойлашган Пактика вилоятининг юзлаб аҳолиси қўллаб-қувватлаб, кўчаларга чиққан.

Аммо покистонлик сиёсатшунослар, шу жумладан, президент Парвез Мушарраф ва ҳатто мухолифат вакиллари ҳам Ҳамид Карзайни танқид остига олишди.

— Покистон суверен давлат, унинг чегараларини қандайдир Карзай бузишга ҳаққи йўқ, — деб чиқиш қилган Наваз Шариф бошчилигидаги N-Мусулмонлар лигаси матбуот котиби Садиқул Фароқ.

НАТО халқаро ташкилоти вакиллари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш мақсадларида Карзайнинг мурожаатномаси Покистонга қилинаётган ҳужум эмас, балки толибларнинг Покистон ҳудудида туриб, афғон тинчликпарвар кучларига ва тинч аҳолига ҳужум қилишига нисбатан норозилик сифатида кўриб чиқилишини таъкидлаган.

Эслатиб ўтамиз, Ҳамид Карзайнинг бундай қатъий чиқишига 13 июндаги ҳодисалар сабаб бўлгани маълум қилинмоқда. Ўшанда толибонлар Қандаҳордаги қамоқхонага ҳужум қилишган ва минимётлар билан қамоқхона деворларини бузишган. Баъзи маълумотларга қараганда, 1150 та, бошқа манбаларда кўрсатилишича эса, 870 та маҳбус, шу жумладан, кўпгина жангарилар озод қилинган.

КАТТА БУШ ГОРБАЧЁВГА ОЗОДЛИК МЕДАЛИНИ ТОПШИРАДИ



Собиқ иттифоқнинг сўнгги йўлбошчиси М.С.Горбачёвга совуқ урушни тугатишга қўшган ҳиссаси учун Мустақил Америка Миллий Конституцион Маркази томонидан ҳар йили тақдим этиладиган Озодлик медали топшириладиган бўлди. Ташкилот мурожаатномасида айтилишича, Михаил Сергеевич ташқи дунёдан узиб қўйилган темир парда остидаги миллионлаб аҳолига умид ва озодлик бахш этган.

Мукофот 18 сентябрда Филадельфияда Миллий Конституцион Марказ бошқарувчиси АҚШнинг собиқ президенти катта Жорж Буш томонидан топширилади.

Ўтган йили Озодлик медали ва 100 минг долларлик пул мукофоти Африкада камбағаллик ва касалликка қарши курашувчи ташкилот тузган мусиқачи ва жамоат арбоби Бонога топширилган эди, 2005 йилда бу мукофотга Украина президенти Виктор Ющченко, 2002 йилда эса АҚШ давлат котиби Колин Пауэл лойиқ топилган эди.

ОПЕКнинг НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ



Шу йилнинг 22 июнь куни Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида нефть соҳасининг бугунги аҳволи ва истиқболига бағишланган анжуман бўлиб ўтади. ОПЕК бош котиби Абдулла Салом ал-Бадри шу ҳақда маълум қилди. Тадбирда дунёнинг йирик нефть ишлаб чиқарувчи компаниялари вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

– Анжуманни ташкил қилишдан мақсад – жаҳон бозорида «қора олтин» нархининг ошиб бориши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишдир, – дейди ОПЕК бош котиби.

ТАФСИЛОТ

Европага юриш қилган «ГАЗПРОМ»

Бугун энергетика муаммоси бутун дунё сиёсатчиларию иқтисодчиларининг асосий бош оғриғига айлангани сир эмас. Арзон ёнилғи ҳар бир мамлакат хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлиги, иқтисодиёти ривожланишининг асосий кафолати эканлиги тобора ойдинлашмоқда.

Халқаро кузатувчилар тез орада нефть нархи ҳозиргидан икки баробар қимматлашишини, яъни бир баррел «қора олтин» баҳоси 250 долларгача етишини башорат қилишмоқда.

Шундай бир шароитда бу соҳада фаолият юритувчи компанияларнинг нуфузи ва салоҳияти ўз-ўзидан ошиб, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати сиёсий воқелик сифатида, баъзи ҳукуматлар учун эса сиёсий дастак вазифасини бажарувчи қуролга ҳам айланиб улгурди. Россиянинг «Газпром» концернини ана шундай компаниялар сирасига киритиш мумкин.

Келинг, шу ўринда бу компаниянинг бугунги аҳволига назар ташлайлик: «Газпром» яқин 7-10 йил мобайнида капитализацияси жиҳатидан дунёдаги энг йирик компанияга айланиши кутилаяпти. Концерн директори Алекцей Миллер ўзи раҳбарлик қилаётган ушбу компаниянинг бозордаги қиймати 1 триллион долларга етишига ишонаяпти. Ҳозирда бу кўрсаткич 360 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, «Газпром» Европа Иттифоқининг газга бўлган эҳтиёжининг тўртдан бир қисмини таъминлайди. Европада йилдан-йилга газ ишлаб чиқаришнинг камайиб бориши ушбу компаниянинг улушини янада ошириб бормоқда. Бу эса компания салоҳиятининг қанчалик эканлигини тасаввур қилишга имкон беради.

2006 йил январь ойида «Газпром» ва Украина ҳукумати ўртасида газ баҳоси масаласида юзага келган келишмовчилик ортидан газ етказиб беришдаги узилишлар Европа мамлакатларининг энергетика борасида Россияга қарамлигини яна бир бор исботлаб, Ғарбнинг кўплаб таниқли сиёсатчиларини анча чўчитиб қўйганди.

> *«Газпром» Европа Иттифоқининг газга бўлган эҳтиёжининг тўртдан бир қисмини таъминлайди. Европада йилдан-йилга газ ишлаб чиқаришнинг камайиб бориши ушбу компаниянинг улушини янада ошириб бормоқда. Бу эса компания салоҳиятининг қанчалик эканлигини тасаввур қилишга имкон беради.*

Бу тортишувлар жорий йилда ҳам давом этиши кутилаяпти. Яқинда Россия ташқи ишлар вазири келгуси йилдан Украинага сотилаётган ҳар бир минг кубометр газ нархи 400 долларгача кўтарилишига шаъма қилиб ўтди.

«Газпром» сўнгги йилларда Европа бозорларига кириб бориш жараёнини, Ғарбнинг энергетика компанияларига интеграциялашувни тезлаштиришга интилмоқда. Европа сиёсатчилари эса бу каби саъй-ҳаракатларни ўз мамлакатлари энергетика хавфсизлигига таҳдид сифатида кўраётган бўлишса-да, «Газпром»нинг Ғарбга «юриш»ларини ноилож жим кузатишга мажбурдирлар. Сабаби – «Газпром» билан рақобатлаша оладиган бошқа компаниянинг ўзи йўқ ҳисоби.

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Газпром» 200 миллиард кубометр газ қазиб олди. Компания йилига табиий ёнилғи ишлаб чиқаришни салкам 700 миллиард кубометрга етказишга ҳаракат қилаяпти.

Нефть ва газнинг нархи бир-бирига боғлиқ. Айни пайтда газнинг ҳам баҳоси «қора олтин» билан параллел равишда ўсмоқда. Бугунги кунда Европа истеъмолчилари ўртача ҳар бир минг кубометр газ учун 410 доллардан ҳақ тўлашига тўғри келади. Бу эса жорий йил бошидагидан 50 фоиз кўп кўрсаткичдир.

Демак, ҳали Россия «Газпром»ининг молиявий имкониятлари янада кенгайиб, Ғарб энергетика бозорида якка ҳокимликка эришишга интилиши давом этиши, шубҳасиз.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида Фарҳод ЖАББОРОВ тайёрлади.

НИГОҲ

КЎЗГУ

Руҳият экологияси
уни қандай тарбиялаш мумкин?

Табиат бу — жамики инсониятнинг ягона Ватани, умумий маконидир. Ҳамма неъматлар одамлар учун Аллоҳ таоло томонидан берилган улуғ инъом, деган таъриф бор диний адабиётларда. Табиат ва жамият бир-бири билан узвий боғлиқ ва доимий алоқада. Жамият табиатдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини эса соҳа алломалари аллақачон исботлаб беришган.

Инсон жамиятнинг аъзоси сифатида шу табиатнинг бағрида яшайди ва фаолият кўрсатади.

Жамият ҳақли равишда табиатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари учун хом ашёлар ва энергия манбаларидан ҳар кунлик эҳтиёж учун доимий фойдаланиб бораётгани аён. Инсоннинг табиатга таъсири илмий тил билан айтганда, экологик фаолиятни юзага келтиради.

Бундай фаолият инсониятнинг ташқи олам эмас, балки унинг ички руҳий олами ҳамдир. Инсон қалби шахс руҳиятининг табиатидир. Тафаккур эса инсон табиатида содир бўладиган табиий жараёнлар мажмуидир.

Киши қандай муҳитда яшаса, унинг эстетик қарашлари ҳам шу муҳит таъсирида шаклланади. Ички руҳий дунёни гўзаллик сари йўналтириш, ботиний ва зоҳирий ҳисларни ўзаро алоқадорликда ушлаш, қалб осойишталиги ва руҳий мувозанатни бир меъёрда бўлишини таъминлаш инсондаги руҳият экологиясининг энг муҳим вазифасидир. Инсон — онгли мавжудот. У ўзининг жамики ҳаракатларини ўз манфаатлари доирасида амалга оширади. Чунки ҳар бир шахснинг руҳиятида туғма эгоистлик хусусияти биринчи ўринда туради. Хўш, инсонни қандай қилиб эзгу мақсадлар сари йўналтириш мумкин, деган савол туғилади.

Табиатдан яхшилик кутишга сабримиз чидамадими, энди ундан шафқат ҳам кута олмаймиз.

Бир китобда ўқиганим бор: ниҳол кўкариб, ҳосил бергунча бўлган вақтда табиат она сифатида уни асраб-авайлаб, ўз вақтида тоза ҳаво, тиниқ сув, етарли даражада қуёш нури ва инсон меҳнати билан таъминлайди. Инсон ҳам ниҳол, уни ҳам асраб-авайлаб ўстириш лозим. Унга ҳам тоза ҳаво, тиниқ сув ва етарли даражада қуёш нури зарур. Тоза ҳаво — тананинг поклиги, тиниқ сув — шахснинг маънавий сарчашмадан озиқланганлик ҳолати, қуёш нури эса, диний ва дунёвий илмларнинг соҳиби эканлигидадир.

Маърузалар давомида устозларимиздан бири қуйидаги гапни такрор-такрор айтарди: «Ички масалалар ўз ечимини топмагунча, ташқи муаммолар ҳал бўлмайди». Домламизнинг нақадар ҳақ эканлигини бугунги экологик вазият исботлаб турибди. Биз руҳият экологияси борасидаги тарбияни боғчадан бошлашимиз керак, назаримда. Ёш болани руҳий жиҳатдан озодаликка, покликка ўргатиб, табиатга кучли меҳр таъсирида улғайтирсаккина келажакнинг руҳий экологияси соғлом бўлган инсонларни ўстира оламиз. Айтмоқчи бўлганим, аввало ўзимизнинг ички экологик муҳитимизни соғломлаштирганимиздан кейингина ташқи муҳит озодалиги ҳақида қайғуриш мумкин.

Маҳсума ТОЖИБОЕВА

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Сўнмас қуёш

Чингиз Айтматов... Бу ном бутун дунё китобхонларига жуда таниш ва қадрли. Буюк қирғиз ёзувчиси ва жамоат арбобининг вафоти ҳақида тарқалган хабар жаҳон аҳлини қайғуга солди. Адиб ҳақли равишда ўзбек халқининг ҳам севимли ёзувчисига айланганди.

Буюк ёзувчининг 80 ёшга тўлишига ярим йил қолган эди... Чингиз Айтматов Германиянинг Нюрнберг шаҳридаги клиникада шу йилнинг 10 июнь куни вафот этди. Дафн маросими 14 июнь куни Қирғизистонда бўлиб ўтди. Аммо адибнинг ўлмас мероси — бетакрор асарлари, самарали фаолияти сўнмас қуёш каби порлаб тураверади.



"Биз қуёшнинг сўнишига йўл қўя оламизми?". Замонамизнинг алп адибларидан, асарлари, шубҳасиз,жаҳон мумтоз адабиётини бойитган Чингиз Айтматов бундан ўн бир йил муқаддам "Литературная газета" таҳририятида бўлиб ўтган "Чўққида қолган овчининг оҳу зори" асари тақдимотида шундай деган эди.

Биз ажойиб сўз устаси, забардаст ёзувчи Чингиз Айтматов яратган "Момо ер", "Биринчи ўқитувчи", "Жамила", "Сарвқомат дилбарим", "Алвидо, Гулсари", "Эрта қайтган турналар", "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" каби дилбар қиссаларни ўқиб, оламни, ҳаётни идрок этганмиз, эзгу ҳисларга ошно бўлганмиз. "Асрга татигулик кун", "Қиёмат" романларининг беҳад теран моҳиятидан, ажиб тимсоллардан лол қолганмиз, "Кассандра тамғаси" романи фалсафасидан ўйга толганмиз. Адибнинг сермаҳсул ижоди неча-неча истеъдодлар намоён бўлишига туртки бўлди.

Ёзувчи Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар сингари ўзбек адабиётига ҳам бефарқ бўлмади. Санъатимиз, адабиётимиздаги ҳар бир янгиликдан хабардор бўлиб турди. Хусусан, Ойбек, Миртемир, Зулфия, Пиримқул Қодировлар ижодини эътироф этди, ҳамиша халқимизга самимий, сидқидилдан муносабатда бўлди.

Чингиз Айтматов ҳақли равишда қадим Туркистон замонавий насрининг намояндаси сифатида элларимизни жаҳонга танитди. "Асрга татигулик кун" романидаги биргина манқурт образи жаҳон адабиётида янги ҳодиса эмасмиди? Ёзувчи битган сара асарлар дунё адабиётининг таркибий қисмига айланди.

Унинг қиссалари, романлари услуб жиҳатидан ҳам, жанр жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади, бир-бирини такрорламайди. Лекин биргина жиҳатдан ўхшаш — улар орасидан бирорта носамимий асарни тополмайсиз. Самимият — Айтматовнинг илк қиссаларидан то сўнгги йилларда яратган фалсафий романларигача йўғрилиб кетган. Давр руҳи бу асарларга дахл қилолмайди — ҳаммавақт кишига бирдай таъсир этади, китобхон бу китобларни ҳар сафар ўқиганида янги-янги сифатларни кашф қилаверади. Унинг асарларидаги психологизм китобхонга жуда кучли таъсир кўрсатади. Ёзувчи жамиятнинг қатъий инсоний қадриятлари, ўзгармас маънавий қонуниятларига суяниб асар ёзди.

Чингиз Айтматов — оламни нозик мушоҳада қилувчи донишманд, инсон қалбининг энг теран, сирли торларини чертишга қодир моҳир мусиқачи ва файласуф эди. Муаллифдаги ана шу хислатлар унинг сўнгги романларидан бири — "Кассандра тамғаси"да яна бир бор ўз аксини топди.

Болалик... Ижодкор қалби сира қаримайди. Болаликнинг беғубор, оппоқ туйғулари адибни умри давомида тарк этмади, ана шу ҳислар унинг гўзал асарларига етакчи бўлди. Ёзувчининг "Болалигим" автобиографик қиссаси фикримизга далил бўла олади.

"Чўққида қолган овчининг оҳу зори" асари — бу бир йўл, мангу саволлар йўли. Бу саволларнинг кўпи мураккаб, кўпи фожиали. Инсон ўзига ўзи бу саволларни мардона бера туриб, қўрқувни, руҳан тушкунликни енгади, зеро, умидни йўқ қилиб бўлмайди.

Чингиз Айтматов асарлари ҳақида янада кўп ва хўп гапириш мумкин. Ҳар бир давр китобхони ёзувчини ўзича, янгича талқин этади, янги-янги оҳанглардан баҳраманд бўлади.

Айтматов забардаст ёзувчи, сиёсий арбоб бўлиши билан бирга катта сўзлар билан ёзилувчи граждан ҳам эди. Йиллар бўлдики, халқимиз бошига қора кунлар тушди, туҳматлар ёғилди. Юртимизга машъум "Ўзбек иши" аталмиш фалокат йўлади.

Ана шунда Чингиз Айтматов дадил ўз сўзини айтди. Айтганда ҳам ўзбекларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини баралла айтди. Бу бизга мадад бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёзувчи хизматларини эътироф этди, тақдирлади.

Чингиз Айтматов мақола аввалида тилга олинган тақдимотда сўзга чечан бўлмаган ҳимолайликлар ёш келин-куёвларга тилак билдириши ҳақидаги ривоятни келтириди ва китобхонларга шундай истак билдиради, "Мен сизларга китлар муҳаббатини, итлар садоқатини тилайман". У табиат билан инсонни узвий бирга кўрди. Бу сўзлар фикримиз далили.

Биз улуғ адиб Чингиз оға хотирасини ёд этарканмиз, эътиборингизга ёзувчи ижодининг авж гуллаган пайти "Неделя" газетасида чоп этилган суҳбатни ҳавола этмоқдамиз ("Неделя" 1977 йил, №2). Зеро, ушбу суҳбат бугунги ўқувчи учун ҳам аҳамиятли деб ўйлаймиз.

Яна шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, чин ижодкор сира қаримайди, ўлмайди, мангу яшайди. Бизнинг хотирамизда ёзувчи Чингиз Айтматов шундай ҳаётга, ижодга ташна, ҳали катта-катта асарлар яратишга қодир бунёдкор тимсолида қолаверади.

— Чингиз Тўрақулович, адабиёт оламга қандай таъсир кўрсатади? Шу ҳақда фикрингиз?

— Адабиёт иш-ҳаракатларни яққол кўрсатиб турадиган схема эмас. Адабиёт — айнан эмас, билвосита, мураккаблашган кўринишда тақлид қилиш, ўхшаш учун намуна бўла олади. Баъзан, «Бу китобдан ўрганса бўлади, бу китобдан бўлмайди», қабилида гаплар юради... Қаранг, ўша ўрганиб бўлмайдиган китобдан ҳам ўрганса бўлади! Лекин у ўзича сабоқ беради, натижаси эса дарҳол кўзга ташланавермайди. Китобхонга эзгулик ва ёвузлик чегаралари аниқ-равшан белгилаб берилган шартли схема керакмикан?

— Сиз ўз асарларингизда гўёки табиатга жон киритиб юборгандай бўласиз. Бундан келиб чиқадики, сиз учун инсоннинг табиатга муносабати маънавий мезонлардан бири ҳисобланади, шундайми?

— Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биламан. Шуни ҳам тушуниб етиш керакки, инсон — табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак.

— Сизнинг кўпгина асарларингиз ўсмир, бола тилидан ёзилган. Болалик таассуротлари ижодингизда муҳим роль ўйнайдими?

— Йўқ, бу мен учун шунчаки қулай усул. Ўсмир оламни, инсонларни англаб етишга ҳаракат қилади. Менинг янги қиссамда икки бола ва қария персонажлари бор. Улардан ҳар бири ўзларича айтмоқчи бўлган фикримни баён этишда ёрдам берадилар. Қария — ўз тажрибалари билан менга кўмаклашади. Бола эса фикримни равшанроқ ифодалаб беради, баъзан чол айтолмаган томонларни очиб ташлайди. Бироқ икковлари ҳам менинг бир бўлагим. Албатта, санъаткор болаликдан бунёд бўлади. Кейинчалик билим-тажриба, ақл-заковат шахсни тўлдиради, шаклга солади. Лекин бу ҳол юз бермаслиги ва инсон болаларча таъсирчан, ҳассослигича қолавериши ҳам мумкин. Мен овулда катта бўлганман. Инсон табиат қўйнида, кишилар ва шу табиатга тегишли бўлган жониворлар билан ўт-майсалар, дарёлар ва ўрмонлар орасида улғайса, қандай ажойиб...

Шаҳарда-чи, шаҳар турмушида диққат инсон ақл-заковати барпо этган нарсаларга жамланади. Шаҳар замонавийликка яна фикрлаш, тафаккурни ҳам қўшимча қилади. Мен болалик гоҳ қишлоқ, гоҳ шаҳар ҳаёти билан алмашиниб туриши керак, деб ўйлайман.

Болалик феномени... Мен болалик таассуротлари билан яшамайдиган ҳеч бир одамни, айниқса, ижодкорни билмайман. Ахир "Оқ кема" қиссасининг қаҳрамони қилиб бола танлангани бежиз эмас-ку. Мен бу билан бола — иймон-диёнат ҳомиласи, шахс ҳомиласи, буларнинг бари болаликдан бошланади, деган фикрни уқтирмоқчи бўлганман. Бу ҳақда ҳозирги илмий-техника тараққиёти, барча ахборот воситаларининг универсаллашуви авжига чиққан даврда жиддий бош қотириш керак бўлади. Қачонлардир бола руҳияти, унинг онг-шуурига фақат ота-онаси, бува-бувиси, яқин қариндошларидан яна кимдир таъсир кўрсатган. Ҳозир уларнинг бу вазифаларини болалар боғчалари, мактаблар "туя" қилмоқдалар. Болалар боғчалари, мактаб, буларнинг яхши, фойдали томонлари кўп. Лекин уларнинг ҳаммани бараварлаштириб, бирхиллаштириб қўйиш жиҳатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ҳамма болалар бир вақтда бир телекўрсатувни ва бир хил фильмларни томоша қиладилар. Бу ҳол эса ҳозирга қадар мисли кўрилмаган даражада эстетик, маънавий мезонларнинг умумий бўлиб қолишига олиб келади. Бунда бола ривожланишидаги индивидуаллик, ўзига хослик қайсидир маънода йўқолади.

Шубҳасиз, болалик менда ўз тамғасини қолдирган. Мен қизиқарли даврда туғилганим, Шакар овулида, қадимги патриархал муҳитда катта бўлганим учун тақдиримдан миннатдорман. Менинг момом оқила, кўп нарсаларни биладиган, зийрак, чевар ва оқин аёл эди. Момом менинг оламни поэтик идрок этишим, англашимга ёрдам берди. У киши айтиб берган эртаклар, қўшиқлар, ривоятлар, у мулоқотда бўлган одамлар — бари-бари менга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Агар бир куни эрта тонгда момом юзида табассум билан, кўшни аёлнинг кўзи ёриганини айтса бўлди, мен ўрнимдан дик этиб туриб ювинишим, сўнгра уларни кутлагани биргa боришим кераклигини билар эдим. Бу қўшниникига бориб, уни кутлашгина эмас, аввало кўришув, ҳар хил айтишув, лапарлар билан тантана уюштириш учун ҳам важ эди. Бунақа байрамларда ҳамма болалар қатнашар, ҳеч ким уларга чақалоқни карамзор ичидан топиб олдик, деб айтмас эди. Ҳозир болалар катталар ҳаётида камроқ қатнашадилар, улар бу пайтда болалар боғчасида шу боғчага оид қўшиқларни куйлаб ўтирган бўладилар. Менинг фикримча, ҳеч бир ҳодиса болаларни четлаб ўтмаслиги керак. Шундагина улар Шахс бўлиб камолга етадилар.

— Шу йиллар ичида Шакар овулингиз ҳам ўзгариб кетгандир?

— Ўзгарганлиги табиий. Отларга қўшилган омочлар энди йўқ, машиналар кўп, кейин иш кўлами ҳам бошқача. Бирданига неча юз гектарлаб ер ҳайдалади. Ахир техника — техника-да, тезлик ва суръат ҳам шунга яраша катта бўлади!

Аммо от илгаригидай инсонга яқин ва қадрдон бўлиб қолаверади. Қирғизчасига айтадиган бўлсак, "жоныбар", отнинг жони бор.

— Айтмоқчи, "Қизил дурачали сарвиқомат дилбарим" қиссангиз қаҳрамони Илёс ўз машинасига худди жониворга қарагандай муносабатда бўлади...

— Ҳа. У, эҳтимол, отига ҳам, ҳўкизига ҳам шундай яхши муомала қилган бўларди. Бундай одамнинг машинага хўжасизларча қарашдан ичи ачишарди.

— Эзгуликнинг ёвузликка қарши кураши, муҳаббат, имон, бурч каби умрбоқий мавзулар қаторида бугуннинг долзарб мавзулари ҳам бор. Сиз 70-йиллар учун бу мавзулардан қайси бирини долзарб деб ажратган бўлардингиз?

(Давоми 8-бетда.)

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариб навбатдаги янги, миллий ва хорижий валютадаги

"ТАҚДИМ ЭТУВЧИ"

омонат турини таклиф этади:

— миллий валютадаги "Тақдим этувчи" омонат турига аҳоли пул маблағлари 3, 6, 9 ва 12 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда

— хорижий валютадаги "Тақдим этувчи" омонат турига маблағлар 6, 9 ва 12 ой муддатга йиллик 6 фоиз даромад тўлаш шарти билан накд валютада ва хорижий банклардаги маблағларингизни чекланмаган миқдорда накд пулсиз ўтказиш йўли билан

Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади.

Омонатингиз ҳақидаги маълумотнинг сир сақланиши ҳамда маблағларингизни ҳисобланган фоиз даромадлари билан биринчи мурожаатингиз бўйича берилиши таъминланади.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

МАЪНАВИЯТ

ХИЗМАТ

Электрон билет — қулай, тезкор ва ишончли

Агар самолётда учолмай қолсангиз, пулингизни бир йилдан кейин эмас, бирданига қайтариб олишингиз мумкин

Ҳар бир соҳада бўлгани каби мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қилиб келаётган "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпаниясида ҳам замонавий технологиялар, йўловчиларга янги имконият ва қулайлик, бир сўз билан айтганда хизмат кўрсатиш савиясини оширишга омил бўладиган воситалар, янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи июнидан бошлаб компания мижозлари электрон билетлардан фойдалана бошлашди.

Мазкур хизмат турининг моҳиятидан қизиқувчиларни боҳабар этиш мақсадида "Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг Ҳаво алоқалари бош агентлиги директори Сатторали ҚАМБАРОВни суҳбатга чорладик.



— Сатторали Акбарович, айтингчи, электрон билет ўзи нима, унинг оддий билетдан қандай афзаллик томонлари бор?

— Аввало унинг келиб чиқиш тарихига тўхталсам, электрон билетлар технологияси 1996 йилда АҚШда ишлаб чиқилган. Электрон билет ёки e-ticket — оддий бланк ўрнига таклиф этиладиган авиабилетнинг электрон шаклидир. Хизмат кўрсатишнинг ушбу янги тури Авиаташувчилар халқаро ассоциацияси (IATA) томонидан таклиф қилинган бўлиб, ҳозирда у кўплаб жаҳон мамлакатларида қўлланилади.

«O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпанияси ҳам мижозларига мазкур янги усулни таклиф этмоқда. Тасаввур қилинг, аввал маълум сабабларга кўра белгиланган куни бизнинг хизматимиздан фойдалана олмаган мижоз билетининг пулини фақат бир йилдан кейин қайтариб олиши мумкин эди. Энди бу ҳолга бутунлай барҳам берилди. Мижоз туну кун ишлайдиган алоқа марказларимизга уйидан телефон қилиб, учиш вақтини ўзи хоҳлаган кунга ўзгартириши ва бекор қилиши мумкин. Электрон билет, бир сўз билан айтганда, йўловчиларнинг вақтини тежайди. Бунинг устига электрон ҳолда авиакомпаниянинг маълумотлар базасида сақлангани сабабли уни унутиш, йўқотиш ёки ўғирлатиб қўйиш мумкин эмас. Тизимнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Маълумки, авиабилетлар хориждан олиб келинади. Бир кунда ўртача 2400-2500 йўловчи хизматимиздан фойдаланишини ва қоғоз билетнинг ҳар бири ўртача 0,16 доллардан туришини ҳисобга олсак, ҳозиргача билет сотиб олиш учун бир ойда камида 32-33 минг АҚШ доллари миқдорида чиқим қилишимиз лозим бўлаётганди. Демак, энди шунча миқдордаги пул тежаладиган бўлди.

— Йўловчиларнинг қўлига одатдаги билет ўрнига бошқа бирор нарса бериладими?

— Албатта, йўловчига одатдаги авиабилет бланки ўрнига йўналиш, унинг шакли, тўлов деталлари ва шу кабилар ҳақида тўлиқ маълумот акс эттирилган қоғоз билетга ўхшаш йўналиш варақаси берилади. Йўналиш варақасининг йўқлиги йўловчининг аэропортда рўйхатдан ўтишига таъсир кўрсатмайди. Рўйхатдан ўтиш учун паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат керак бўлади. Агар йўловчи йўналиш варақасини йўқотиб қўйса, уни билетларни сотиш агентликларида ёки рўйхатдан ўтиш вақтида аэропортда қайтадан чоп этиб беришни сўраши мумкин. Йўналиш варақаси парвоз тўғрисидаги барча маълумотлар жамланганлиги билан қулайдир. Гарчи у рўйхатдан ўтишда керак бўлмаса-да, ёнда сақлаш тавсия этилади. Айрим аэропортларда йўналиш варақаси авиация хавфсизлиги хизмати ходимларига аэровокзал биносига киритиш учун керак бўлиб қолиши мумкин. Шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, йўналиш варақаси хорижга парвоз қилганда паспорт назоратидан ўтиш вақтида ортга қайтиш билети борлигидан далолат берувчи ҳужжат вазифасини ҳам ўтайди.

— Мазкур тизимни амалиётга жорий этиш босқичларига ҳам тўхталсангиз.

— Электрон билет тизимини жорий этиш бешта босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. 2008 йил охиригача электрон билетни расмийлаштиришнинг иккинчи босқичи амалга ошириб бўлинади. Кейинчалик йўловчилар ушбу билетни интернет орқали брон қилишлари ҳам мумкин. Шу билан бирга, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш киоскини яратиш ва радиочастотали биркалар тизимини жорий қилиш каби вазифалар устида ҳам мутахассислар иш олиб бормоқда. Ушбу дастур 2010 йил якунигача амалиётга тўлиқ татбиқ этилади.

— Электрон билетдан фойдаланиш ва уни расмийлаштириш қоидалари қандай бўлади?

— Электрон билетдан қоғозда расмийлаштирилган одатий билет каби фойдаланилади. Ҳар бир йўловчи учун, шу жумладан, гуруҳ бўлиб учаётган йўловчиларга ҳамда йўловчи билан самолётда жойга эга бўлмаган, бепул кетадиган болалар учун ҳам алоҳида электрон билет расмийлаштирилади. Бундай билетга эга йўловчининг рўйхатдан ўтиши учун унинг "e-ticket"и парвозни амалга оширмоқчи бўлган қатновга тасдиқланган бронга эга бўлиши лозим. Йўловчи парвоздан четлаштирилган ҳолларда, электрон билетнинг учиш купонини "фойдаланилмаган" деб қайта тиклаш мумкин.

Авиакомпания томонидан йўловчиларга тақдим этиладиган амалдаги турли тарифлар ҳамда ҳаво транспорти орқали юк ташувларни амалга ошириш қоидалари ҳам аввалгидек қўлланилади.

— Электрон билетни қаерда расмийлаштириш мумкин? Уни расмийлаштириш имконияти бўлмаган ҳолатлар ҳам борми?

— Авиакомпаниянинг бундай сотув тури рухсат этилган йўналишларидагина электрон билет расмийлаштирилади. Бугунги кунда электрон билетни Ҳаво алоқалари бош агентлиги ва МАКнинг Тошкент, Урганч, Самарқанд, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги агентликларидан сотиб олиш мумкин. Яқин орада бошқа вилоятларда ҳам ушбу хизмат туридан фойдаланиш йўлга қўйилади. Миллий авиакомпаниянинг Лондон, Париж, Афина, Истамбул, Бангкок, Тель-Авивдаги ваколатхоналарида ҳам йўловчилар "O'zbekiston havo yo'llari" қатновларига электрон билетни расмийлаштириш имконига эга. Яқин кунларда Санкт-Петербург, Алмати, Баку, Москвада ҳам компания мижозлари ушбу замонавий ва қулай хизмат туридан фойдаланишлари мумкин бўлади. Электрон билетни авиакомпания томонидан рухсат этилмаган йўналишлар ҳамда "Габриель" автоматик брон қилиш тизимида "E" — (электрон билет) белгиси мавжуд бўлмаган қатновларга расмийлаштириш мумкин эмас. Шунингдек, давлат имтиёзига эга бўлган йўловчилар чегирмали билетлардан фойдаланганда ҳамда имтиёзни берувчи ҳужжатларни текшириш зарур бўлган ҳолларда электрон билет расмийлаштирилмайди. Лекин вақт ўтиши билан, технологиялар мукаммаллашиши натижасида, бундай билетларнинг барча тури электрон расмийлаштирилади.

— Агар билет қўлга берилмайдиган бўлса, хизмат сафарига учиб кетаётган йўловчилар ўз ташкилотида ҳисоботни қандай топширади?

— Электрон билетнинг йўналиш варақаси, самолётга чиқиш талони ҳамда билетни нақд пулга сотиб олишда бериладиган ҳисоб-китоб квитанцияси хизмат сафари бўйича топшириладиган ҳисобот учун ҳужжат вазифасини ўтайди. Бироқ эсдан чиқармаслик керак, самолётга чиқиш талонининг дубликати берилмайди. Шунинг учун йўловчи олган талонини йўқотмаслиги лозим. Бундан ташқари, ташкилотларда мижозларнинг банкдаги тўлов картасидан авиабилетга пул ўтказилганлигини тасдиқловчи кўчирма ҳам талаб этилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, электрон билетлар тизимининг йўлга қўйилиши йўловчилар манфаатини кўзлаб — тежамкорлик, тезкорлик ва қулайлик томон ташланган муҳим қадам бўлмоқда.

Иномжон АБДИЕВ суҳбатлашди. ®

САРЧАШМА

Ҳожи МУИН

Ҳурриятингни сақла!

ГАЗЕТА ЎҚИМОҚ МАНФААТИ

Биз туркистонликларга газета ўқумоқ у қадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқумоқнинг манфаатини билса эдук ёки газета ўқуб маъносиға тушунса эдук, ҳатто бир нафас ўлсун газета мутолаасидин воз кечмас эдук.

Газета ўқумоқ у қадар лаззатли шайдурки, бунинг лаззатини фақат қалам ила тасвир қилиб бўлмас.

Лекин газета ўқуб лаззат топмоқ учун тарих ва жуғрофиядан хабардор бўлмоқ керак. Чунончи, бу кундаги Туркистон ила Италиё сўғушиға мутааллуқ хабарларни ўқуб англамоқ учун бу икки давлатнинг, филжумла жуғрофияси ила тарихини билиб, мавқеъи муҳораба харитасини кўз олдиға тутмоқ керак. Шундай бўлмағон ҳолда газета ўқувчи ўқиган хабарларидин истифода эта олмайдур.

Билмоқ керакким, газеталарни яхши ва истифодалиси ўлдиғи каби истифодасизлиги ҳам бўлур. Шунинг учун газета ўқувчи бу хусусда диққат ила газета интихоб қилмоғи керак.

Бир давлат ёки бир миллатни маориф ва саноиъ тўғрусинда на даражада эдикини билмоқчи бўлсангиз, жуғрофия ва газета воситаси ила билурсиз.

Хулоса, жуғрофия ва газета бир оинаи жаҳоннамодурки, тамом ҳаракат ва аҳволи аҳли илм буларнинг воситаси-ла билиниб турадур. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараққийси ва ё инқирози налар ила ўлажағини камокона билур.

Ва бундин сўнг дин ва миллатни яхши кўратурган бўлса, тараққийси учун мумкин қадар ҳар бир чорая ташбиш эдар.

То бир миллий газетая молик бўлғунча, биз ушбу "Туркистон" газетасиға мақолаларимизни юбориб турармиз.

Ҳар ким ҳар на деса десун, биз ўз маслакимизда хидмат эдармиз.

Мақоламизни газетиға дарж этдики учун соҳибидин ҳам минатдормиз.

"Туркистон вилоятининг газети", 1911 йил 24 ноябрь

МУҲТАРАМ ШУАРОМИЗГА

Ухлаб қолган кишиларни бошлаб мулойим овоз ила уйғотмоқ одобдандур. Садо кифоят этмаганда мутлақо туртиб уйғотмоқға мажбурият кўрилур. Мен ҳам ушбу қоидани риоя қилуб, аҳволи олам ва иқтизои замондин оз хабарлик муҳтарам шоирларимизни уйғотмак нияти хайрихоҳонаси ила товуш чиқармакчи бўлдум. Аммо биравга насиҳат берурга ёки туртиб ранжитмоқға асло ҳаққим йўқдур. Маълумки, дунёда ҳар бир илм ва ҳунарни фойдали мақсадға етмоқ учун ўрганурлар. Диний ёки дунёвий фойдаси бўлмаган илм ва фанни таҳсил этмоқ йўлиға ақли бор одам ҳеч вақт азиз умрини сарф қилмас. Эмди шеър масаласида келсак, бу фан шаръан мазмум бўлмаса керак. Чунки асри саодатда ҳам асҳоби киром ичида машҳур шоирлар бор эди. Ва аларни шеър иншодидан ислом манъ қилмабдур. Ҳатто Аҳзоб муҳорабаси бошланмасдан бурун Мадинаи мунаввара атрофинда "ҳандақ" қазмоқ асносинда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари-да Абдуллоҳ бин Равоҳнинг шеърини ўқиб биззот туфроғ тошигонлари ривоят ўлинмушдур.

Яна бир неча жиҳатдан шеърнинг таъсир ва фойдасини-да инкор қилиб бўлмас. Чунончи, муҳофизаи тил ва адабиёт ва миллий ҳиссиётни кўзғотмоқ ва бошқа важҳлар учун шеърнинг келтурадурган фойдалари ниҳоятда кўбдир. Лекин бир неча асрдан бери бошқа санъатларимиз каби фани шеърга ҳам суиистеъмол қилиниб, алалхусус, **бу замонда шеър, таърифи хатту ҳол, тавсифи май ва жом ё тамаъгарона маддоҳиёт ва ғаразгарона ҳажвиётдан иборат бўлуб қолди.** Мана шул сабабли ахлоқи омма бузулуб, жувонбозлик феъли ва шаробхўрлик одати халқ кўзиға мубоҳ

"Ухлаб қолган кишиларни бошлаб мулойим овоз ила уйғотмоқ одобдандур. Садо кифоят этмаганда мутлақо туртиб уйғотмоқға мажбурият кўрилур."

даражасида келди.

Халқ ашъори фисқия ва ё ҳажвиядан лаззат олатурган бўлуб ахлоқи диния таъсир қилмас. Эмди умид қилурмизки, бир мундан сўнг фазилату шуаромизи (бир-икки зот истисно) ошиқона шеър ва ҳажвомез назм иншод этмакдан воз кечуб, замонға мувофиқ фанний, миллий ва ахлоқий шеърлар иншод этарга киришсунлар. Токи, бу сабабдан бутун мустақбалдаги авлодимизнинг ахлоқлари тузула бошлаб, миллий ҳислари ва ахлоқлари тузалсун. Шунинг ила дин ва миллат, илм ва маданият йўлида қадам босиб фойдали ишлар ишласунлар. Миллий шеърларнинг намунасини кўруб истифода этмак учун: Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Муҳаммад Ҳодий ва марҳум Абдулла Тўқаеф каби шуарои асримизнинг ашъорини олдуруб мутолаа қилинса, ибрат олинмоқиға шубҳа йўқдур.

(Меҳрий, бу тўғри сўзинг
қаттиғ эрур,
Оре нофеъ дору ҳам
аччиқ эрур).

"Ойна" журнали, 1913 йил 9-сон

БИЗГА НИМА КЕРАК?

Дунёда ўзининг ҳаётини ҳимоя қилмоқчи ва ўз маишатини таъмин этмакчи бўлган кишининг табиат қонунлари ва ҳаёт шароитлари мужибинча қандай тадбирлар кўрарга ва қандай чоралар изларга тутунмоғи қанча лозим бўлса, сарбастона ва масъудона бир суратда яшамакчи бўлган бир миллатнинг ҳайъат мажмуаси ҳам ижтимоий ҳаётиндаги вазифаларини лозиминча ифо этмак йўлинда ҳаракат этиши ўшанча лозимдир. Акс ҳолда, ул фарднинг ҳаёти нақадар таҳликага маъруз қолурса, бул миллатнинг ҳаёти ижтимоияси ҳам шул қадар таҳликага учраб ўзгаларнинг тасаллут ва асорати остинда қолажағи табиий ва шубҳасиздир.

Яшамак шартлари ва ҳаёти ижтимоиядаги вазифаларининг энг умдалари: аскарлик, маориф, тил, адабиёт, зироат, тижорат ва санойиъ эканлиги маълумдир. Мана, ҳаёти ижтимоиямизда лозим бўлғон бу нарсаларнинг барчаси ҳозирда бизда борми? Бўлса қайси ҳолдадир?

Бу саволларға қарши тўғри жавоб ёзилғонда ихтиёрсиз қалам уёлур, киши истиқболдан маъюс бўлур. Чунки мазкур нарсаларнинг баъзиси бизда йўқ ва баъзиси ҳануз ибтидоий ҳолдадирки, буларнинг мумкин суратда вужудка ижтиҳод чиқарилиши учун кўб умрлар ва кўблар сарф қилмоқ керакдир. Лекин **лозимаи ҳаётимиз бўлғон бу нарсаларни вужудга чиқариб олғунча бизга замон мусоада этарми, яъни фурсат берарми?**

Сиёсий аҳволнинг ҳозирги суръатли ўзгаришига қарағанда, замон фурсат бермас каби кўринадур. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги мусоиди замин ва замонни ғанимат билиб ватан, ҳуқуқ ва ҳаётимизнинг муҳофазаси, истиқболимизнинг таъмини учун керак бўлатурғон тадбир ва чораларға киришмагимиз лозимдир.

Мана, ҳозир ушбу савол ворид бўладирки: бизга нима керак?

Ҳозирги вазифамизға қарағонда бизга энг аввал, аскар керакдир. Чунки ҳозирги дохилий шўриш ва инқилоб хорижий душманларнинг тажовузидан ортиқ бизга қарши хатарли бир ҳолға айланмакдадурки, бу шўришдан ватан ва ҳурриятни қутқариб олмоқ учун аскарий зўр бир қувватға молик бўлмоғимиз мутлақо лозимдир.

Маълумдирки, ҳозирда бир ёқдан Николай косалеслари бўлғон Ашқобод фитначилари, иккинчи ёқдан казачийлар билан... оёққа қалқиб Туркистонимизни таҳдид этмакда ва фақир халқ ҳокимиятини таҳликага туширмакдадирлар. Буларнинг мақсади ҳокимиятни фақир халқдан олиб буржуазларға тобшурмоқ ва бунинг ила миллионларча бечора камбағал халқни янада бойларнинг оёғи остинда эздурмакдир.

Мана, ушбу дохилий душманларимизнинг ҳужумидан ватанимизни қутқармоқ ва аларни тасаллутидан муқаддас ҳокимиятимизни муҳофаза этмак учун биз Туркистон фақир ишчи ва деҳқонларига лозимдирки, ўз орамиздан аскарий фирқалар ташкил этиб, жонимиз ва номусимиз каби азиз бўлғон ҳуқуқ ва ҳурриятимиз йўлинда қурбон бўлурға ҳозир турайлук.

Дунёда золим остинда номуссиз яшамакдан ҳуқуқ ва ҳуррият йўлинда номус билан ўлмак минг марта яхшироқдир.

Эй Туркистон ишчиси!
Юртингни сақла!
Эй туркистонли турк ўғли!
Ҳурриятингни сақла!

"Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1918 йил, 13 август

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

ҲА-ЁТ!

"Алпомиш"дан қуйинг, ака!"

ёхуд буюк шахслар номларини абадийлаштиришнинг антиқа усули ҳақида

Тугилган кун муносабати билан йиғилганлар орасида баъзиларига "шайтон суви" кўпроқ таъсир қилдими, дейман, овозлари баландлаб кетди:

— Кеча иккита «Алпомиш»ни йиқитибман, — дейди улардан бири. — Аммо алпмисан алп экан-да ўзиям! Уйга қандай етиб борганимни билмайман.

— «Тўмарис» ҳам ёмонмас, — гапни илиб кетди шериги. — Тунов кунги гаштакда нуқул шунов нақасидан қўйишди. Роса маза қилдик.

Суҳбатни эшитиб туриб ҳайрон бўлдим: бу киши нима "Алпомиш" достонининг қаҳрамони билан кўришибдимикин? Унда аёл жасоратининг тимсоли сифатида тарих саҳифаларида мухрланиб қолган Тўмарис гаштакда нима қилади?!

Бу саволларга эртаси куни спиртли ичимликлар дўконида жавоб топдим, десам ҳайрон бўлманг.

Дўконга киргач, шеригимнинг "Алпомиш борми?", — деган саволидан кечаги воқеа ёдимга тушди. Сотувчи ойнаванд пештахтага олиб қўйган шишага миллий қаҳрамонимизнинг исми ёзилган ёрлиқ ёпиштирилган эди.

— Гап бу ёқда экан-ку, — дейман киноямни яшира олмай. — Кечаги "азамат" шунақа "Алпомиш"ни йиқитганидан мақтанган экан-да.

— Олинглар, зўри шу, — дейди сотувчи гап нимадалигидан бехабар. Бу "Алпомиш"нинг тозаси. Гарантия бераман, — бошни оғритмайди.

— "Тўмарис" ҳам бордир, — сўровни давом эттирди дўстим сотувчининг шаъмасига эътибор бермай.

— Коньякми? Бўлганда қандоқ! Кўплар шунга ишқибоз.

— "Умар Хайём" виноси ҳам бор экан-а? — дейман турли хил шишалар тахланган токчага боқиб. Тунов куни бир зиёфатда қулоғимга чалингандек бўлувди.

— Аниқроғи, "Омар Хаям". "Умар Хайём" дегани бўлса керак-да. "Ибн Сино" ҳам чиқиб турганди. Хозир кўринмай қолди. Энди, шундай буюкларнинг номларини абадийлаштириш учун ичимликларга қўйишаётган бўлишса керак-а? Буёғи реклама замони бўлса... Машҳурларнинг номи яхши реклама бўлади, дейишяпти-ку. Русларда ҳам "Александр Невский", "Пётр-1" деган ичимликлар бор-ку...

Дўкондан чиқаётиб ўйланиб қолдим. Сотувчи айтмоқчи, спиртли ичимлик ёрлиқларига тарихий шахслар, миллий қаҳрамонларимиз номларини ёзиб қўйиш — "реклама", яна бир ароқ шайдоси айтганидек, ривожланган мамлакатлардан ўтиб келаётган "урф" бўла қолсин. Бироқ масаланинг миллий маънавиятига дахлдор томони ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакмасмикан? Ахир, дунёда миллат, халқ дегани кўп. Шунга яраша уларнинг ҳар бирида ўзгача миллий туйғу, ўзгача урф-одат, ўзгача дунёқараш мавжудки, уларни бир-бири билан чоғиштириб, умумийлаштириб бўлмаслигини яхши биламиз. Шундай экан, русларда улуғ саркардаларнинг, ҳатто Пётр-1 каби рус давлатчилиги



асосчиси бўлган инсоннинг-да номини ўткир ичимликларга "ёпиштириш" ўша халқнинг, миллатнинг муаммоси.

Лекин бизда минг йиллар муқаддам ўз номларини абадият китобига муҳрлаб бўлган бобокалонларимиз наҳотки шу тахлит "абадийлаштириш"га муҳтож бўлса... Қолаверса, муқаддас динимизда муслим учун ҳаром қилинган номатлуб ичимликларни маърифатпарвар аждодларимиз номи билан аташнинг ўзиёқ уларнинг руҳи покларига ҳақорат эмасми?!

Бу кетишда бошқа буюк сиймоларнинг номларияам шиша "белбоғ"ларига ўтиб кетмайдими?..

Худо сақласин! Бу ўйдан ўзим сесканиб кетдим. Аммо бу ҳақда баъзи тадбиркорлару спиртли ичимлик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари озроқ мулоҳаза юритиб кўришса фойдадан холи бўлмасди, назаримда.

Даврон ОРИПОВ, "Ҳуррият" мухбири.



Бир жуфт латифа

Иккита қарға суҳбатлашиб ўтиришганди. Уларнинг устидан реактив самолёт учиб ўтиб қолди.

— Бу қуш намунча тез учмаса? — сўради биринчи қарға.

Шериги жавоб қайтарди:

— Агар думингни ёқишса, сен ҳам шундай учардинг.

* * *

— Дам олишга поездда келгандингиз, қайтишда самолётда кетаман деяпсиз, тинчликми ўзи?

— Хотинимга пальто олгандим, мода ўзгариб қолмасдан етиб борай.

АКС САДО

Инсон исми билан гўзал

("Исмлар тақдирдан сўйлайди". "Ҳуррият", 2008 йил 28 май)

Чақалоққа чиройли исм қўйилиши ёруғ оламга эндигина қадам қўйган гўдакнинг ҳаётдаги биринчи ва энг олий ютуғидир. Чунки унинг тақдири мақолада айтилганидек, аксарият ҳолларда исмига боғлиқ ҳолда кечади. Болага етти кунлик бўлганда талаффузда чиройли, пурмаъно, яхши исм қўйиш қадим-қадимдан суннат ҳисобланиб келинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз саҳобаларига "Сиз қиёмат куни исмингиз ва оталарингиз исми билан чақириласиз, шунинг учун фарзандларингизга чиройли исм қўйинглар!" деб марҳамат қилган эканлар.

Аммо ҳаётда баъзан Жобир, Маҳзуна каби ношоиста маъноларни англатувчи исмлар ҳам учраб туради. Бу ота-оналарнинг беэътиборлиги, фарзандлари тақдирига иккинчи кўз билан қарашлари натижасидир. Масалан юқорида тилга олинган "Жобир" номига эътибор берайлик. Пайғамбаримиз томонидан бу исмнинг қўйилиши қатъиян ман этилган. Негаки, бу сўз араб тилида "жабр қилувчи" деган маънони билдиради. Исми озор етказувчи бўлган инсоннинг ўзи ҳам амалда исмини "оқлаш"и эҳтимолдан узоқ эмас-да. Яна Маҳзуна деган исм "хазина" маъносини беради. Афсуски, имловий саводсизлик оқибатида унинг "Маҳзуна" шаклида ёзилганига ҳам дуч келамиз. Натижада шундай гўзал исм "ҳазин", "мунгли" каби маъноларни англатиб қолади.

Қадимий китобларда фарзандга исм танланганда, Аллоҳнинг гўзал исмлари негизида ҳосил қилинган номлардан фойдаланишга даъват қилинади. Абдукарим, Абдуллоҳ, Абдуқодир, Абдураҳмон, Абдулла каби Аллоҳ субҳонаҳу таолога нисбат берилиб, қўйилган исмлар маҳбуб исмлардир. Лекин исломнинг талабига кўра, мусулмонларнинг фарзандларига қўйилувчи ном Аллоҳнинг номи билан мазмунан тенг келиб қолмаслиги керак. Шу боисдан одатда Унинг номидан ясалган исмларга "абд" — қул ва шу маънога яқин тушунчаларни ифода қилувчи қўшимчалар қўшиб айтилади. Аммо, кўп афсуски, кундалик ҳаётимизда Абдусамадни Самад, Абдуқодирни Қодир дейиш ҳолатлари жуда кўп учраб туради. Ҳатто ўзимиз ҳам баъзида ўртоқларимизни шундай чақирамиз. Бу билиб-билмай қиладиган энг катта хатомиздир. Бундан ташқари, кишининг исмига қўшиб, уни хафа қиладиган лақаб билан (масалан латта, ғилай, бойқуш, чўлоқ, акашак, кўр, чумчуқ, гов ва ҳоказо) чақириш асло ярамайди. Хулоса ўрнида донишмандларимиздан бирининг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: "Инсонда ҳамма нарса хулқ ҳам, ташқи кўриниш ҳам, ҳатто исм ҳам чиройли бўлиши керак".

Зокиржон ЗАМОНОВ

МАДАНИЯТ

(Бошланиши 6-бетда.)

— Менимча, бу — уруш, инсоннинг урушда синалиши, тобланиши мавзусидир. Мен ўзим урушда бўлмаганман, лекин болалик ва ўсмирлик йилларим шу даврга тўғри келган. Урушдан урушнинг фарқи бор. Озодлик, мустақиллик, адолат учун уруш. Масалан, Улуғ Ватан урушини олсак. Бу қаҳрамонлик, фидокорлик, улкан ҳарбий ҳамда меҳнат жасоратларини кўрсатиш даври бўлди. Бироқ бу тажовузкорлик, таъмагирлик, манфаатлар уруши, адолатсиз уруш ҳам бўлдики, бу даврда инсонийлик тақчил бўлди. Бугунги сайёрамиз, дунё кўпгина ижтимоий омиллар келтириб чиқарган шафқатсизлик муаммолари билан тўқнаш келмоқда. Барибир юксак инсоний

Сўнмас қуёш

қадриятлар, инсон тақдири мавзуи ўзгармас, умрбоқий бўлиб қолаверади. Инсонийликнинг антитезаси — шафқатсизлик.

— Ҳам шафқатсизликка қарши кураша туриб, ҳам уни асарларда кўрсатса бўладими?

— Фақат бу завқ, илҳом билан тасвирланмаслиги керак.

— Ғарбда, масалан, ваҳима-даҳшат театри мавжудлигини "ортиқча ҳавони чиқариб юбориш клапани" зарурлиги билан оқлайдиган назариялар яратилди. Уларнинг фикрларича, бундай томоша инсонга азалдан хос бўлган тажовузкорлик энергиясини унинг вужудидан чиқариб юборишга хизмат қилар эмиш. Шу ҳақдаги фикрингиз?

— Ортиқча ҳавони чиқариб юбориш клапани... Ёмон ният билан инсонни шафқатсизликка ундашса, у эса бунга қарши туролмаса, бу ҳолат кўпроқ шафқатсизликни рағбатлантиради, ҳаттоки кучайтиради. Шундай мисоллар ҳам борки, Ғарбда томошабин даҳшатли фильмларни кўриб, беихтиёр ана шу қаҳрамонлар ҳаракатларини такрорлаган.

— Моддий ҳаёт ҳақидаги фикрингиз?

— Бу ҳақда менинг фикрим қатъий, агар ҳаётда моддий бойлик мақсадга айланса, шахс таназзулга юз тутади.

— Худди «Бўтакўз» қиссангиздаги Абакирга ўхшаб-а?

— Ҳа, Абакирга ўхшаб. Баъзида пуллар қандай босиб, эзиб ташлашини одамларнинг ўзлари ҳам билмай қоладилар. Буюмларни ҳаддан ортиқ севиш, уларга ҳирс қўйиш — васваса. Айниқса, баъзиларнинг бирор буюмга жиддий муносабатда бўлишлари менинг ғашимга тегади. Айтайлик, ҳозир бизда, республика чекасида маълум турдаги пальто урф бўлади. Шу турдаги пальтоси бўлмаган аёл ўзини хўрлангандай, камситилгандай ҳис қилади. Буюмларга бўлган бундай мешчанларча муносабат кишида ғараз уйғотади ва у ҳаммадан ажралиб туриш талвасасига тушади. Буюмлар муқаддас қадриятлар қаторида ҳаёт маъноси, мақсадига айланиб қолмаслиги керак.

— Айтмоқчи, қиссаларингизнинг асосий персонажлари — аёллар. Улардан қайси бири сизнинг идеалингизга яқинроқ? Балки Жамиладир?

— Идеал ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Менинг фикримча, умум қабул қилган расмга кўра, эътиборга сазовор, муносиб аёл тушунчаси мавжуд. Бу тушунча аёлнинг бари маънавий фазилатлари, унинг маданияти, жозибаси, ташқи кўринишини ўз ичига олади. Жамила — менинг аёлни илк маротаба романтик идрок қилишим маҳсули. Ҳозир Жамила бошқача бўларди.

— Сизга инсондаги қайси хусусият ёқмайди?

— Мансабпарастлик. Бундай одам бирор мартабага эришаман деб ҳақиқатни гапирмайди.

— Чингиз Тўрақулович, юморга муносабатингиз қандай?

— Афсуски, доимо менда юмор етишмайди (мен буни жуда ҳис қиламан). Юмор билан ёза оладиган кишиларга жуда ҳавасим келади. Бу мен ҳазилни умуман тушунмайман, деганим эмас. Кулишни яхши кўраман, лекин ҳазил қилишни билмайман. Бу алоҳида қобилият саналади. Мен эса маъюсроқман.

— Одатда ёзувчилар иккита бир-бирига қарама-қарши қоидага амал қиладилар: "Ёзолмасдан туролмаганингда ёз" ёки бўлмаса "Ҳар куни, жуда бўлмаганда бир сатрдан ёз". Сиз буларнинг қайси бирига амал қиласиз?

— Мен биринчи қоида бўйича ишлайман: Шунчаки, ҳар куни ёза олмайман. Иккинчи қоида эса сен янги ишни бошлаганингда кўл келади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, агар бошлаган ишингни ташлаб қўядиган бўлсанг, кўп нарсани йўқотасан. Мана, ҳозир янги қиссамни тугатаяпман. Энди мен ҳар куни ишлашимга тўғри келяпти.

— Қиссада тасвирланаётган воқеа қайси даврда бўлиб ўтади?

— Бу қизиқ нарса. Қисса воқеаси қачон бўлиб ўтиши ижодимдаги — номаълум бўлган ягона ҳолат. Асар "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" деб аталади. Ундаги воқеалар қайси вақтда ва нима ҳақда эканлигини ҳар бир китобхоннинг ўзи ҳал қилади. Бу ерда сюжетнинг ҳам унча аҳамияти йўқ. Қиссани яқин кунларда тугатсам керак...

Маъсума АҲМЕДОВА,
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

Ҳар ишда меъёр яхши

("Ўқишга... дискотека кийими билан". Ҳуррият, 2008 йил 14 май)

Автобусда кетаётиб, иккита ёши катта аёлнинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман, — сўз қотди бири иккинчисига, — институтда ўқийдиганга ўхшашмайди. Калта-култа, йиртиқ-ямоқ кийимларни кийишадими-ей.

— Нимасини айтасиз? — деди иккинчиси ҳам ҳасрат билан. — Гапирсанг, ҳозир шу мода, дея оғзинга уришади. Гўёки, замондан орқада қолиб кетган эмишмиз.

Дарҳақиқат, бугун айрим ёшларнинг ўқишга кўча-кўйда кийиб юрган йиртиқ-ямоқ кийимларини, ўзларини тутишларини кўриб, беихтиёр хафа бўлиб кетасан киши.

«Ҳуррият»да чоп этилган «Ўқишга дискотека кийими билан» деб номланган мақолани ўқиб, мен ҳам ўз фикрларимни ёзишга чоғланар эканман, талаба тенгдошларимни зимдан кузатдим. Чиқарган хулосаларим шу бўлдики, кўпчилик олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультети талабалари одатда сипороқ кийинишар экан. Аксинча, хорижий тилларни ўрганувчи гуруҳларда умуман бошқача муҳит ҳукмрон. Яъни уларнинг тобора "Ғарб маданияти"га мослашиб бораётганликлари мени бу борада мушоҳада қилишга чорлади.

Ҳозир кўчаларни кузатиб, талаба билан оддий, бекорчи ва безори болалар ўртасида фарқ қолмаётганини, хулқ-атворларининг ҳам шунга мослашиб бораётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аслида, олий маълумотли инсонлар бошқалардан билими, хулқи, одоби, дунёқараши ва энг асосийси кийиниш маданияти билан ажралиб турмоғи лозим эмасми?

Қизларнинг ясан-тусанни меъёрдан ошириб, таълим даргоҳларига боришлари билим олиш учун эмас, аксинча, худди "модалар кўргазмаси"да қатнашиш учун "ташриф буюраётгандек" таассурот уйғотади.

Тўғри, кўпчилик бунга замонавийлашув жараёни, - дея қарайди. Албатта, замон билан ҳамнафас яшаш керак. Аммо, одоб, ҳаё ва меъёр деган тушунчаларни ҳам унутмаслик даркор эмасми?

Менимча бундай салбий ҳолатларга биринчи галда ота-оналар ҳамда мактаб, коллеж ва олий таълим даргоҳидаги мутасаддилар ҳам бефарқ бўлмасликлари зарур.

Соҳиба МУЛЛАЕВА



Шавкат Музаффар чизган.

Мехрим ортаверар она тупроққа

ШЕЪР ВА ШУУР



Абдусаид КЎЧИМОВ

ОТАМ ҚАЧОН ТЎЙ ҚИЛСА...

1

Отам қачон тўй қилса,
Ёмғир ёққан, қор ёққан:
Йўқ, қор эмас, дўстларим
Осмон тўла зар ёққан.

Шу боисми, падарим
Бошласа тўй-маърака,
Ёғин берган Худойим
Бахш этган қут-барака...

2

...Бугун йўқсиз оламда,
Қайдасиз шу дақиқа?
Отажон, набирамга
Қилар бўлдик ақиқа.

3

Ё, алҳазар!
Эрта тонг
Ақл шошди, онг оғди:
Сизни эслаб, отажон,
Тизза бўйи қор ёғди!!

Оппоқ бўлди қишлоғим,
Қор қоплади ҳар ёқни;
Ота, бугун эрталаб
Тизза бўйи қор ёғди!

Босиб кетди оқ яшин
Дашту дала, чорбоғни.
Ота, сизга ўхшади
Набирамнинг чироғи.

4

Бутун бўлсин бахти ҳам,
Ҳотам бўлсин Сиз каби...
Бўлсин боқий — бардавом
Отажоним мактаби...

Отам қачон тўй қилса,
Ёмғир ёққан, қор ёққан.

МЕН ШАМОЛМАН

Мен шамолман, сарғашта шамол:
Сафардошман тайёраларга.
Кўчиб юргум бамисли хаёл
Сайёрадан сайёраларга.

Мен шамолман, сарғашта шамол:
Сомон йўли — менинг йўлларим.
Йўлларимга поёндоз, пойдор
Шан юлдузлар — само гуллари.
Мен шамолман, сарғашта шамол:
Бир кун саҳро, бир кун чўлдаман.
Писанд эмас на ёмғир, на қор
Кеча-кундуз яйдоқ — йўлдаман.

Мен шамолман, сарғашта шамол:
Мажнунтоллар сочин силайман.
Лолаларга бераман савол,
Далалардан бахтим излайман.

Мен шамолман, сарғашта шамол:
Югураман кўчама-кўча.
Тўхтамайман, турмайман бекор
То бахтимни топмагунимча.

Мен шамолман, сарғашта шамол...

ТАШВИШ

Ҳалима Носированинг интервьюсидан кейин

Қўшиқ айтиларди бизнинг замонда
Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Бедилдан.
Бугун хониш қилса баъзи хонанда
Бир ташвиш кечади,
инжиқ кўнглимдан:

Ажабо, бир сўзни такрорлар ҳадеб,
Бир чўлтоқ мисрадан ўтолмас нари?
Балким, сўз шавқига беролмайди зеб,
Балким, сусайгандир хотиралари...

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Турфа ҳайвонларни кўрмоқлик учун
Ҳайвонот боғида кезмоқ
шарт эмас:
Сен дунёга теран назар сол, дўстим,
Инсон тийнатини англай
олсанг бас.

ЛАҲЗА

Қалтирайди қаршимда гуллар,
Жовдирайди кўзларида ёш.
Нималардир демоқчи бўлар
Япроқларда безовта қуёш.

Дўқ уради изғиринли куз,
Қовоқ уяр қаҳрли осмон.
Тўзғигандек беҳисоб юлдуз
Тилла барглар инграйди бежон.

Чағир ўйлар қонатар дилни,
Надоматдан тўлиб-тошгайман.
ўзим суюб ўстирган гулни
Эй-воҳ!
Қандай юлиб ташлайман...

МАШРАБ

Кимлардир молу давлат дардида
кўзин ёшлаб,
Кимдир шону савлат ишқида
сўлиб кетди.
Муҳаббат боғларига меҳрини
сочиб Машраб
Дунёнинг устидан қаҳ-қаҳлаб
кулиб кетди..

ШУКР

Елкам синди тутдан йиқилиб,
Кўзларимда дўниб қолди нур.
Юпатдилар онам, ишқилиб
Бундан баттар бўлмади, шукр.

Йиқилгандим, отлар галаси
Кўпкари-да, қизиди ур- сур!
Бошим силар отамнинг дасти:
Бундан баттар бўлмади, шукр.

Гоҳо талар дала-дузимни
Қарға, майна деган безбет, сур.
Юпатаман ўзим ўзимни:
Бундан баттар бўлмади, шукр.

Гоҳ адашсам, ё қилсам хато
Ғанимларим қилганда ҳузур;
Шукр, дейман юракдан, зеро
Бундан баттар бўлмади, шукр.

Ҳўп талотўп дайри дун аро
Ўтиб борар қиссаи умр.
Бир ён вафо, бир ён бевафо
Бундан баттар бўлмади, шукр.

Баттар бўлса, нетарсинг, эй жон.
Ларзонланар шу чақмоқ фикр.
Раҳмат ҳаёт — мунис онажон,
Онажоним, борингга шукр.

ТАЙЁРА

Олиб қочаман деб, бўлма оввора,
Ажратиш осонми этни тирноқдан?
Сен қанча баландга учсанг, тайёра
Меҳрим ортаверар она тупроққа!

ТАНГА ЮТГАН БОЛА

МИТТИ ҲАЖВ

Бир аёл тўрт-беш ёшлардаги ўғлини етаклаб, шаҳар сайрига чиқди. Гўзал хиёбонда тўхтадилар. Она фаввора ёнидаги курсига бориб ўтирди. Қўлига газета олди. Бола фаввора атрофида ўзи тенги болалар билан қувлашиб ўйнай бошлади. Бир вақт у чопқиллаб онанинг олдига келди:

— Ая, пул беринг, сув ичаман!

Она ўғлига танга берди. Бола сал наридаги дўкондан сув ичдию изига қайтишда ўқчий бошлади. Она қўрқиб кетди, ирғиб ўрнидан турди.

— Нима бўлди, болам?

— Ўғлингиз танга ютиб юборди,— деди кимдир. Она фарёд солди, одамларни ёрдамга чақирди.

Ниҳоят, бир йигит болани икки оёғидан даст кўтарди, бошини ерга қаратиб, силкита бошлади. Бола ҳиқиллаб йиғлади, ўқчиди ва ерга жаранглаб кичкина танга тушди. Она ўғлини бағрига босиб, йиғлади ва ўзича бегона йигитга миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат сизга, укажон! Умрингиздан барака топинг! Яхшиям сиз бор экансиз, дўхтир бўлсангиз керак-а?

— Йўқ, — деди йигит, — мен... солиқ идорасида ишлайман.

Саъдулла СИЁЕВ

СПОРТ

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БИРИНЧИЛИГИ

Жиззах шаҳрида болалар ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги якунланди. Унда барча вилоятлардан 9-10 ёшли футболчилар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Якуний натижага кўра, биринчи ўринни Жиззах, иккинчи ўринни Самарқанд, учинчи ўринни Бухоро вилояти жамоалари эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МАЙК ТАЙСОН АЙБДОР(МИ)?



Бруклиндаги "Cash Money Brothers" жиноятчилар гуруҳининг собиқ аъзоси Дуэйн Мейерс ўта оғир вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон мазкур гуруҳга одам ўлдиришга буюртма берганлиги ҳақида судга кўрсатма берди. Мейерснинг сўзларига қараганда, Тайсон 2000 йилда болаликдаги дўсти ҳамда собиқ тан соқчиси Дэррил Баумани ўлдириш учун гуруҳ аъзоларидан бирига 50 минг АҚШ доллари берган. Ҳозирча, Тайсон ва унинг яқинлари бу айбловга ҳеч қандай изоҳ беришгани йўқ.

ФОРМУЛА-1: МУСОБАҚАДАГИ ЎЗГАРИШ

Австралия оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Виктория штати ҳукумати ҳамда премьер-министр Жон Брамби Мельбрун шаҳридаги трассаларни Австралия гран-присини ўтказиш учун энг мақбул жой эканлиги ҳақида оғзаки равишда келишиб олишган. Бу борадаги шартноманинг имзолаш вақти яқин кунларда маълум бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, мусобақа бошланиш вақтига ҳам ўзгаришлар киритилган. Эндиликда мусобақа маҳаллий вақт билан 17:00 да бошланадиган бўлди. Бу ўзгариш оқибатида Формула-1 мусобақасининг Европадаги мухлислари мусобақани томоша қилиш учун уйқудан вақтли уйғонишга мажбур, мусобақа ташкилотчилари қимматбаҳо ёритгичларнинг ўрнатишига ҳам ҳожат қолмади.

ЎН ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБА

Польшанинг Варшава шаҳрида ATP сериясига кирувчи халқаро теннис турнири якунланди. Мукофот жамғармаси 425 минг евродан зиёдни ташкил этувчи мазкур турнирда россиялик ракетка устаси Николай Давиденко ғолибликни қўлга киритди. У финалда ATP рейтингида 19-ўринни эгаллаб турган испаниялик Томми Роберто билан ғолиблик учун кураш олиб борди. Қизиқарли кечган ўйинда ҳар икки сетда бир хил — 6:3 натижасини қайд этган россиялик теннисчи шоҳсупанинг энг юқорисини эгаллади.

Маълумки, Николай Давиденко катта шлем турқумига кирувчи "Ролан Гаррос" турнирида муваффақиятсизликка учраган эди. Шундан сўнг теннисчининг ўз мавқеини тиклаш учун қилган ҳаракатлари зое кетмади. Ва мухлисларининг ишончини оқлади. Эслатиб ўтамиз, Варшавада қўлга киритган ғалаба теннисчининг жорий йилдаги иккинчи, бутун фаолияти давомидаги ўн тўртинчи ғалабаси ҳисобланади.

АРШАВИН АНГЛИЯДА ЎЙНАШИ МУМКИН

Россия терма жамоаси ҳамда Санкт-Петербургнинг "Зенит" футбол клубининг етакчи ўйинчиси Андрей Аршавин Euro-2008 мусобақаси тугаши билан Англия примьер лигаси жамоаларининг бирида фаолиятини давом эттириши мумкин. 2006 йилда Россиянинг энг яхши футболчиси деб топилган ушбу футболчига "Арсенал", "Ньюкасл Юнайтед" ва "Тоттенхем" каби бир қатор клублар қизиқиш билдиришмоқда.

Моҳру РЎЗМОНОВА тайёрлади.

«Ҳуррият» мустақил газетаси таҳририяти жамоаси «Turkiston» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Салим Ашуровга онаси

НИЁЗХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ҳуррият» мустақил газетасининг навбатдаги сони 28 июнь — шанба куни чиқади.

HURRIYAT
O'zingni anglat!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-554 Адади: 7020 1 2 3 4 5 7 8